БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 34 (19.705). • 1987 йил 10 февраль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

Мажбуриятларни бажариш —шарафли бурчимиз

Ўн иккинчи беш йилликка ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан республикамиз меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларида фан-техника тараққиёти соҳасида бажариладиган ишлар ҳам аниқ-равшан кўрсатилган.

Фан-техника тараққиёти соҳасида:

1200 га яқин механизациялашган, поток ва автомат линиялар беш йиллик мобайнида ишга туширилади.

15 минг квадрат метр — қишлоқ жойларда гелиоиссиқлик таъминоти якка системаларидан фойдаланадиган шунча ҳажмда уй-жой қуриб битказилади.

1,5—2 баравар — картошканинг замбуруғ касаллигига қарши курашда ишлатиладиган ва уни сақлаш муддатини шунча кўпайтирадиган янги «Ридомил» пестицидининг дастлабки тажриба туркуми олиниши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигигача таъминланади.

1987 йилда республиканинг йирик саноат корхоналарида ва етакчи илмий-тадқиқот институтларида ўз профилидаги кафедраларнинг камида 40 та филиали барпо этилади.

Бугунги сонда:

◆Совет халқларининг бузилмас иттифоқи мустаҳкамланаверсин!
2-бет

◆ Асрлар оша янграётган мангу соз
3-бет

◆Маҳсулотлар бежирим, сифатли ва харидоргир бўлсин.
4-бет

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАЯНЧЛАРИ

Шу пайтгача қуёш ёрдамида сув чучитилиб, уй иситилиб, электр токи ҳосил қиладиган қурилмалар барпо этилган ва этилаётган бўлса, эндиликда маъдан эритилади! Ҳадемай Тошкент яқинида «Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш комплекси ишга тушади. Офтоб нурларини жамлаш йўли билан ҳарорати 3500 даражадан ҳам ошириб бериладиган бунақа «қуёш қўраси»да саноат асосида соф металл олинади.

Республикамиз меҳнаткашларининг ўн иккинчи беш йилликка ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан социалистик мажбуриятларида мамлакатда биринчи «Қуёш» қудратли эритув печи саноатда тажриба учун ишга туширилади, деб белгилаб қўйилди. Мажбуриятларда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш юзасидан катта тадбирлар ўз аксини топган. Республикамизда илмий тавсиялардан фойдаланишга тобора кўпроқ эътибор қилинмоқда. Саноат роботлари, механизациялашган поток ва автомат линиялар, электрон-ҳисоблаш машиналари халқ хўжалигининг янги-янги соҳаларига кириб бормоқда.

Бизда илм-фан бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиб бораётир. Партия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини белгилар экан, унинг асосий воситаларидан бири деб фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланишни кўрсатди. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида таъкидланганидек, эндиликда фан-техника революцияси ютуқларини планли экономика билан боғлаш ва социализмнинг бутун потенциалини ҳаракатга келтириш стратегиямизнинг асосий мазмуни бўлиб қолмоқда. Зотан, жадаллаштириш, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларини тубдан, чинакам революцион тарзда қайта қуриш тақозо этилади. Кенг жабҳада авж олдирилаётган қайта қуриш эса илм-фан томон қатъий бурилиш, юксак пировард натижаларга эришиш мақсадида практиканинг у билан эмалий ҳамкорлиги демакдир.

Илм-фаннинг қудратли кучини, мутахассис ва инженерлар, ихтирочи ва рационализаторларнинг ижодий тафаккурини сергунум меҳнат шароитини барпо этиш, маҳсулот сифатини ошириб, материал ва меҳнат сарфини камайтиришни таъминлайдиган техника янгиликларини яратиш ҳамда уларни амалиётга жорий этишни жадаллаштиришга янада самаралироқ сафарбар этайлик. Зеро илмий ғоялардан илдамроқ бормаган иш кўп нарсада орқада қолиши мумкин. Қайта қуришнинг актив қатнашчиси бўлиш учун фаннинг ўзи ҳам кўп жиҳатдан қайта қурилиши керак. Ана шу ҳаётий жараёнда ўз ўрнини топиб олиш, бу ишга бутун қалб қўрини ва ақл-заковатини сарфлаш ҳар бир олимнинг бурчидир.

Эндиликда илм жабҳасининг ҳар бир жангчиси социал-иқтисодий тараққиёт учун тўла масъулият ҳис этиб, куч-гайрат ва диққат-эътиборни жадаллаштириш стратегиясининг назарияси ва практикаси проблемаларига, планлаштириш ва бошқариш механизмларини, янги кишини тарбиялаш жараёнларини такомиллаштириш масалаларига қаратмоғи керак. Беш йиллик мувафқиятли бажарилишини илмий ва техника жиҳатдан таъминлаш олим ва конструкторларнинг, лойиҳачи ва инженерларнинг шон-шараф иши бўлиб қолмоғи зарур.

Янгиликларни ўз вақтида илғаб олиш, истиқболи порлоқ ечимларни ҳаётга тез ва дадил жорий этиш юзасидан ҳамма чоралар кўрилиши даркор. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг конструкторлик бўлимлари бригада пудрати асосида ишламоқда. Бу ерда ходимлар сони тўртдан бир ҳисса қисқаргани ҳолда ечимларни тайёрлаш муддатларини тезлатиш, сифатини эса яхшилашга эришдилар. Ана шу хилдаги тажрибалар барча илмий муассасалар ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларида кенг жорий этилиши зарур.

Фан ишлаб чиқариш эҳтиёжларига яқинлашиб борини, айни чоғда корхоналарнинг илмий сектори иши кучайтирилмоғи лозим. Республика пойтахтидаги тўқимачилик комбинати эҳтиёжлари бўйича ўтган беш йилликда, масалан, тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўн битта кандидатлик диссертацияси ёқланди. Аммо улардан фақат биттасининг илмий тавсиялари ишлаб чиқаришга жорий этилди, холос. Беш йилда институт ишларидан корхона кўрган фойда шу ечимлар сарфини аранг қоплади. Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти, иссиқлик физикаси бўлими ҳам шу таҳлитда ишламоқда.

Интенсивлаш йўлини ўтказиш фан билан ишлаб чиқариш алоқасини тобора кучайтиришни тақозо этади. Қолаверса, фан ишлаб чиқаришдан илгарироқ юриши, унинг ривожига таъсир эта бориши шарт. Фундаментал ва амалий тадқиқотларни кучайтириш, илмий ечим ва техника янгиликларининг амалиётга жорий этилишини тезлатиш керак. Оғир меҳнат жараёнларида, қурилишда, транспортда қўл меҳнати салмоғи камайишига, аграр соҳани механизациялаш ва автоматлаштириш жараёни кучайтирилишига эришайлик.

Фан ва техникани ривожлантириш юзасидан белгиланган режалар албатта бажарилиши шарт. Корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳамда ўз сарф-харажатларини ўзи қоплашга ўтишида ишчилар, инженер-техник кадрларнинг билим ҳамда малакаларини муттасил ошириб бориш муҳим роль ўйнашини унутмаслик даркор. Фан-техника ютуқларидан фойдаланиш қатори ушбу соҳадаги ишлар ҳам бошланғич партия ташкилотларининг диққат марказида туриши керак. Вазифа техниканинг энг юқори унумдорлигини таъминловчи туркумларини, принципиал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш қатори аҳолининг техника маданиятини юксалтиришдан иборат.

Замонавий машина ва технологиялар яратишнинг ўзи билан фан-техника тараққиётини жадаллаштириб бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг барча босқичида, ишчидан тортиб министргача иш услубини янгилашш керак. Ҳар бир меҳнат ва илмий коллективда ташаббускорлик, омилкорликни уйғотиш ва ривожлантириш шу кунининг талабидир.

Область ва район партия комитетлари ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашларда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ҳамда техника потенциалидан янада тўлатўкис фойдаланиш, хом ашё ва материалларни тежаб-тергаб сарфлаш йўлида, танг жойларни тугатишда янада активлик кўрсатиш талаб этилмоқда.

Академия муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, лойиҳа-конструкторлик бюролари, Бутуниттифоқ ихтирочи ва рационализаторлар ҳамда илмий-техника жамиятларининг ташкилотлари халқ хўжалиги проблемаларини, ҳаёт ўртага қўйётган муаммоларни, қайта қуриш асосида юзага келаётган масалаларни ҳал этишга янгича ёндашишлари лозим. Илмий муассасалар фаолиятини қайта қуришда сусткашликка қатъиян барҳам берилиши керак. Барча бўлимларда партия, давлат ва ижро интизомига оғишмай амал қилиниши, илмий-тадқиқотлар самарадорлиги оширилиши учун масъулият ва талабчанлик кучайтирилсин.

• Техника ремонти қандай бормоқда?

Жиззах районидаги Навоий номли колхозда техника восталарини кўкламги дала ишларига тайёрлаш ниҳоясига етказилди. Мавжуд машина-механизмларнинг ҳаммасини хўжалик ремонтчилари ва механизаторларининг ўзлари ремонтдан чиқаришди. Бу муваффақиятда илғор слесарь Мурод Асқаровнинг муносиб ҳиссаси бор. У созлаган агрегатлар сифат комиссияси томонидан юксак баҳоланди.

Суратда: пешқадам слесарь М. Асқаров.

Ш. Тўраев фотоси.

КЎКЛАМ ЯҚИН... ЕР ЧИЗИБ ҚОЛМАНГ

Экиш мавсумининг муваффақиятли бошланиши техника ремонти ишларининг суръати ва сифати билан ўлчанади. «Эрта эккан эрта ўради», деганларидек ҳозирги кунларда ким отга қамчини илдамроқ урса, ўша баҳорда ер чизиб қолмайди.

Буни яхши тушунган Тошкент областининг Коммунистик, Ўрта Чирчиқ ва Бекобод районлари аксарият хўжаликларида кўкламни муносиб кутиб олиш учун керакли техника ва механизмлар сифатли созлаб қўйилди. Бироқ **Пскент, Бўстонлиқ, Ғалаба районларида техника ремонти суръати область ўртача кўрсаткичидан орқада қолмоқда.**

Масалан, Ғалаба райони бўйича культиваторлар, суғориш насослари, чопиқ ва ҳайдов тракторлари, прицеплар, плуглар ҳамда бошқа техника воситаларини шайлашда анча оқсашга йўл қўйилмоқда. Бунинг асосий сабаби битта: у ҳам бўлса бевосита ремонт ишлари билан шуғулланаётган кишиларга етарли шароит яратиб берилмаётганлигидадир. Биз райондаги Свердлов номли ва «Москва» колхозларида бўлганимизда бунга амин бўлдик.

Свердлов номли колхоз (правление раиси М. Отабеков, бош инженер Э. Мирсалов) илгари районда иқтисодий бақувват хўжаликлардан бири саналарди. Аммо ўтган йили бу ерда давлатга пахта сотиш плани барбод берилди.

Бундан қандай хулоса чиқарилди? Афсуски, баҳорга тайёргарлик ишлари долзарб паллага кирган шу кунларда хўжаликда асосий техника турларини созлаш кўнгилдагидек эмас. Тайёргарлик чизиғига сафлаб қўйилган механизмларнинг деярли ҳаммасида камчиликлар бор. Мойлаш, бўяш ишлари тугалланмаган. Бунинг устига агрегатлар қишин-ёзин очиқ ҳавода сақлаб келинди. Қаноппоя ўрадиган иккита КУ-02 агрегати икки йилдан бери бекор турибди. Чунки ўсимлик қатор оралари 60 сантиметр бўлган майдонларга мўлжалланган бу агрегатлар районда 90 сантиметрли схемага ўтилгандан кейин ишлатилмай қўйди. Район бўйича бундай машиналар 47 тани ташкил этади. Минерал ўғит сепадиган янги РУМ-8 агрегати ҳам бу ерда «меҳмон» бўлиб турганига икки йилдан ошди. Бош инженернинг таъкидлашича, уни тортадиган бақувват Т-150 маркали трактор колхозда умуман йўқ.

— Ремонтни тез суръатларда тугаллаш учун биринчи навбатда эҳтиёт қисмлар етарли бўлиши керак, — дейди ремонтчи механизатор А. Арап.—Бизда эса кўп нарсалар етишмайди. Масалан, пахта териш машиналари учун 400 та шпиндель, 600 та колодка ва ременлар, культиваторлар учун болт гайкалари, беда ўриб майдаловчи КИР-1,5 агрегатлари учун 90 га яқин пичоқлар керак...

Булардан ташқари ёнилғи пуркайдиган насослар, шиналар ва бошқа шунга ўхшаш қисмлар ҳам етишмайди. РАПОдагилар эса «ҳаммаси бўлади», «таъминлаймиз» — деган қуруқ ваъдалар беришдан нарига ўтишмаяпти. Тўғри, хўжаликдаги техниканинг 75 процентга яқини ремонтдан чиқарилди. Лекин улар сифатсиз ремонт қилинди. Ғараж территориясининг бир бурчагида 5 та ҳайдов трактори, 9 та плуг лойга қоришиб ётибди.

Ремонт бригадасида 45 киши ишлаши керак. Бироқ яқинда биз бу ерда бўлган куни ўн нафардан зиёд ремонтчи-слесарь иш вақтида ҳам жойида йўқ эди.

— Ўйларига овқатлангани кетишган, ҳозир келиб қолишади, — деди бош инженер.

— Гаражда ошхона йўқми?

— Бор, ҳатто дам олиш хонаси ҳам мавжуд.

Ҳам ошхона, ҳам дам олиш хонаси ролини ўтайдиган жой билан танишдик. Янги келтирилган стуллар устма-уст тахлаб қўйилган. Ўртада узун қўлбола стол ва икки томонида скамейкалар. Хона ифлос, совуқ. Печь ўрнатилмаган. На шахмат-шашка, на газета-журнал бор. Радио, телевизор, душхона тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Жадаллаштиришнинг бош омили—инсон тўғрисида бундай «гамхўрлик» қандай қилиб муваффақиятни таъминлаши мумкин? Бу ҳақда хўжалик касаба союз комитети (раиси А. Ҳамидов) ўйлаб кўрдимикин?

Қолаверса, шунчалик камчиликлар билан мавжуд техниканинг ҳаммаси дала ишлари бошланишига қадар тўла ремонт қилиб улгурилармикан? Чунки 139 та тракторнинг 37 тасига, юк ташиш транспортининг 6 таси, прицепларнинг 63 таси, культиваторларнинг 18 таси ва бошқа агрегат-механизмларга ҳали қўл ҳам урилмаган, ахир.

Райондаги «Москва» колхозида (правление раиси Б. Ботиралиев, бош инженер Ҳ. Хўжамқулов) ҳам аҳвол қувонарли эмас. Ғараж территориясининг бир қисми лой, ифлос. Тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилган техника турларида етишмовчилик ва камчиликлар кўп. Слесарь-ремонтчиларнинг дам олишлари, овқатланишлари учун шароит яратилмаган. Механизмларга айрим деталлар, эҳтиёт қисмлар етишмаслиги оқибатида ремонтчиларнинг қимматли вақтлари бекорга совуриляпти. Жумладан Т-4 тракторларига мотор етишмайди, химиявий дори сепадиган ПГС агрегатлари учун янги баклар ҳануз келтирилмаган.

РАПО бу камчиликлардан хабардор бўлишига қарамай конкрет ёрдам беришга шошилмаяпти. Тайёргарлик чизиғига қўйилган машиналарнинг бир қисми бўялмаган. Юк ташийдиган машиналар, баъзи тракторлар, тракторга тиркалиб ишлатиладиган механизмлар ва пахта териш мавсумида ишлатиладиган техника воситаларини созлаш ишларига ҳали киришилмаган.

Хуллас, районда техника ремонти бутун чоралар билан кучайтирилишини таъминлаш кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифадир. Бунинг учун биринчи галда ремонтчиларга нормал меҳнат шароити яратиб берилиши зарур. Район агросаноат бирлашмаси хўжаликларни тегишли эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш чораларини кўриши керак.

А. МАННОПОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил 27-28 январь кунлари бўлиб ўтган Пленуми материалларини ўзбек тилида алоҳида китобча қилиб босмадан чиқарди. Китобчага Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида информацион билдириш, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги доклади, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг якунловчи нутқи, КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори киритилган.

Китобча кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари А. С. ал-Байд бошчилигидаги Яман Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси расмий дўстлик визити билан 9 февралда Москвага келди.

Аэродромда А. С. ал-Байдни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Ф. Добринин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ДЕЛЕГАЦИЯ ТОШКЕНТДА ТЎХТАБ ЎТДИ

Яман Социалистик партияси Марказий Комитети Бош секретари Али Салим ал-Байд бошчилигидаги Яман Халқ Демократик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 9 февраль куни Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтди. Делегация КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ расмий дўстона визит билан Москвага бормоқда.

Тошкент аэропортида Яман Халқ Демократик Республикаси, СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат байроқлари кўтарилган эди.

А. С. ал-Байд ва делегациянинг бошқа аъзоларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. В. Сударенков, Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари Б. П. Шеин, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

ОРБИТАДА—КИШИ БОШҚАРАДИГАН «МИР» КОМПЛЕКСИ

ТАСС АХБОРОТИ

1987 йил 8 февраль куни Москва вақти билан соат 2 дан 28 минут ўтганда «Союз ТМ-2» космик кемаси «Мир» — «Прогресс-27» орбитал комплекси билан туташтирилди. Космонавтлар Юрий Романенко ва Александр Лавейкин туташтириш узелнинг герметиклигини текшириб кўрганларидан кейин станция бўлмасига ўтдилар.

«Мир» орбитал илмий станцияси 1986 йил 20 февралдан буён Ер атрофи космик фазосида ишлаб турибди. Биринчи экспедиция экипажи — Леонид Кизим ва Владимир Соловьев конструкция элементларини ҳар томонлама синовдан ўтказган, аппаратларни пишиқтириб созлаган, станцияни барча зарур приборлар ва ускуналар билан тўлиқ таъминлаган эдилар.

«Мир» станциясини ишлатишнинг янги босқичида ихтисослаштирилган илмий ва халқ хўжалик аҳамиятидаги модуллари бўлган киши бошқарадиган доимий ишловчи орбитал комплекс яратилиши кўзда тутилмоқда. Комплекс ичида Романенко ва Лавейкин ўртоқларинг астрофизик, геофизик, технологик, техник ҳамда медицина-биологик тадқиқотлар ва экспериментлар катта программасини бажаришлари лозим бўлади.

Телеметрия ахбороти маълумотларига кўра, базавий блокдан ҳамда «Союз ТМ-2» ва «Прогресс-27» кемаларидан иборат киши бошқарадиган «Мир» комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

Космонавтлар Романенко ва Лавейкин соғ-саломат бўлиб, ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ОРБИТАДАГИ ВАХТАДА

Учишни бошқариш маркази, 9 февраль. (ТАСС). Юрий Романенко ва Александр Лавейкин икки кундан бери одам бошқарадиган «Мир» комплексида ишламоқдалар.

Космонавтлар станцияни одам бошқарадиган учиш режимига ўтказиш бўйича белгиланган операцияларни бажармоқдалар. Улар, жумладан, ҳаётни таъминлаш, иссиқликни созлаш системаларини ишга солдилар, радио ва телевизион алоқа воситаларининг ишини, ускуналар ва аппаратлар ҳолатини текширдилар.

9 февраль куни экипажнинг иш куни Москва вақти билан соат 8 да бошланиб 23 да тугайди.

Космонавтларнинг доклади ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, одам бошқарадиган «Мир» комплексининг парвози нормал ўтмоқда. Унинг орбитаси параметрлари қуйидагича:

— ер юзасидан максимал олислиги 369 километр;

— ер юзасидан минимал олислиги 328 километр;

— айланиш даври — 91,4 минут;

— оғиши 51,6 градусга баробар.

Юрий Романенко ва Александр Лавейкин ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

• Транспорт конвейерига—аниқ маром!

ВАГОНЛАР БЎШ ТУРИБДИ

Қорақалпоғистон Автоном республикасида кейинги йилларда темир йўл тармоқлари анча кенгайди. Халқ хўжалиги юкларининг поездларда ташилиши салмоғи ошиб боряпти. Бироқ...

Нукус темир йўл станциясида 129-механизациялашган кўчма колоннага 18 январь куни 30 вагон шағал келган эди. Ишчилар 12 вагон юкни тушириб кетиб қолишди. Қолган 18 та вагондаги юк кечикиб — 19 январь куни пешингача туширилди.

Келган юкларни тушириш-да 166-қурилиш трестининг техникавий комплектлаш ишлаб чиқариш бошқармасида ҳам жиддий камчиликлар бор. Бошқарманинг кириш йўллари ремонтталаб. 12 январь куни кириш йўли ишдан чиққани учун бир ярим суткадан кўпроқ вақтгача 3 вагон цемент, 2 вагон гипс плита, 8 вагон темир-бетон буюмлари тушириб олинмади.

«Каракалпакводстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари (бошлиғи Т. Усанов) келган юкларни ўз вақтида тушириб олиш чораларини кўрмаяптилар.

— Шу бирлашмага яқинда 58 вагон юк келди, — деди станция бошлиғининг ўринбосари Н. Ергалиев. — Ҳар бир вагондан юкни нормадаги 2,8 соат ўрнига 42,8 соатда туширишди. Вагонларнинг бекор туриши кўпайиб боряпти. Ҳолбуки, ўтган йили октябрь ойининг ўзида бекор турган вагонлар учун 18 минг 622 сўм жарима тўланган эди. Жарима тўлаш билан иш битмайди. Наҳотки ўртоқ Т. Усанов бунинг фойда-зарар томонларини ўйламаса!

Айрим корхоналар раҳбарлари юкларни вақтида тушириб олишга етарли ишчи ва техника воситалари ажратмаяптилар. Натижада вагонларнинг бекор туриши камайиш ўрнига кўпайиб боряпти. «Каракалпакремстрой» трести, 2-«Узагропромстрой»нинг 1- ва 2-қурилиш трестларига келган қурилиш материалларини тушириб олишда сусткашлик қилиняпти. Натижада уларнинг ҳар бири қисқа вақтда ўртача 3500 сўмдан 8900 сўмгача жарима тўлашга мажбур бўлдилар.

Нукус шаҳар партия, совет органлари ва корхоналар раҳбарлари вагонларнинг бекор туриб қолиши ҳолларига барҳам бериш чораларини кўришлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ—СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТИМИЗ КУЧ—ҚУДРАТИ ВА МУСТАҲКАМЛИГИНИНГ ГАРОВИ

Республикада 1987 йил 13 февраль куни ўтадиган ягона сиёсий кун мавзуи

Куч-ғайрати, ижодий ташаббуси барқ ураётган совет халқи КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программасини изчил амалга оширмоқда.

Қайта қуриш революцион жараёни кучайиб бормоқда, тобора кенг кўлам ва теранлик касб этмоқда. КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми партиямиз, бутун совет халқи ҳаётида йирик сиёсий воқеа бўлди. Пленум дадил, илмий жиҳатдан пухта асосланган ўзгартишлар программасини белгилаб берди, у партиямиз тўплаган тажрибага, социалистик қурилиш борасида рўй берадиган жараёнлар ва зиддиятларни марксча-ленинча таҳлил қилишга асосланган-дир.

СССР халқларининг монолит бирлиги, бузилмас дўстлиги, совет жамияти олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг энг муҳим омилларидан биридир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Пленумдаги докладида уқтирганидек, кўп миллатли мамлакатда яшаб турганимизни эътиборга олмасдан туриб, ҳал эта олинадиган биронта ҳам принципиал масала йўқ.

Бундан 70 йил муқаддам Улуғ Октябрь инсонят тарихида янги давр бошланганини тўғрисида бонг уриб, миллий муносабатлар соҳасида ҳам янги эрани очиб берди. Социалистик революция синфий қарама-қаршиликни йўқотиш билан бирга миллий жабр-зулм, душманчилик ва ўзаро низоларга барҳам берди. Собиқ чор Россияси халқлари илк бор тарихий танлаш, ўз тақдирини ўзлари белгилаш имконига эга бўлдилар.

Янги тарихий шароитларда миллий масалани ҳал этишнинг асосий принципларини кўп миллатли социалистик давлатнинг чинакам меъмори В. И. Ленин ишлаб чиқди. Владимир Ильич Совет Шарқи аҳолиси ўртасида олиб бориладиган миллий сиёсатни ишлаб чиқишда жуда катта роль ўйнади. Унинг 1919 йил ноябрида Туркистон коммунистларига йўллаган мактубида шундай дейилади: «Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Совет Социалистик Федератив Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу даврга ўтган эзилган мазлум халқларига мустамлакачилик ва ҳаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, минглаб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга, бўлади». (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами; 39 том, 349-бет).

Ички ва ташқи контрреволюцияга қарши курашларда Туркистон халқларига ҳар томонлама иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш Ленининг ана шу кўрсатмалари билан узвий боғлиқдир.

СССРнинг ташкил топиши миллий масалани ҳал этиш йўлида муҳим босқич, Улуғ Октябрь ишининг давоми бўлди.

Кўп миллатли давлат миқёсида кучлар ва маблағларни бирлаштириш социалистик ўзгартишлар жараёнини жадаллаштириш, ғалабаларимизни мардона ҳимоя қилиш имконини яратди. Кишиларнинг янги социал ва интернационал бирлиги—совет халқи ташкил топди. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида таъкидланганидек, «ўтмишдан қолган миллий масала Совет Иттифоқида муваффақиятли ҳал қилинди».

Қардошлик иттифоқининг куч-қудрати илгари қолоқ бўлган чекка ўлкалар ўзгариб, равнақ топишида айниқса ёрқин намоён бўлди. Бугунги кунда 15 иттифоқчи республиканинг ва 38 автоном тузилмаларнинг барчаси теппа-тенг сиёсий ва хўжалик ҳуқуқларидан фойдаланмоқдалар, улар қудратли эканомикага эга бўла олдилар, фан, маданият, маориф жабҳаларида улкан муваффақиятларга эришдилар.

Ўзбекистон ССР бунинг ишончли далилидир. Жуда катта табиий бойликларга, қадимий тарих ва маданиятга эга бўлган ўлка—Ўзбекистон техника-иқтисодий жиҳатдан ниҳоятда қолоқ, аҳолиси деярли саводсиз эди. Унумдор ерлар, сув манбалари бойларга, руҳонийларга ва чориз амалдорларига қарашли бўлган, халқ эса қашшоқлик ва зўлматда яшар эди.

Совет халқлари қардошлик оиласида Ўзбекистонда янги ҳаёт қарор топди. Юздан ортиқ миллат ва элатлар ягона оила бўлиб яшаётган бугунги республикамиз —замонавий йирик индустрия, юксак механизациялашган қишлоқ хўжалиги, илғор фан ва маданият ўлкасидир.

Республика ташкил топганидан бери ўтган йиллар мобайнида саноат маҳсулоти ҳажми қариб 270 баравар ўсди, катта химия, кўп тармоқли машинасозлик, энергетика, кўмир, газ, конруда, металлургия, олтин қазиб чиқариш, электротехника, енгил озиқ-овқат, ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари барпо этилди ва улар тез ривожланмоқда. Мазкур тармоқларда газламалар ва озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб, самолёт ва тракторлар, энг мураккаб радиоэлектрон аппаратураларгача ишлаб чиқарилмоқда. Чирчиқ, Ангрен, Бекобод, Тахиатош, Қувасой, Навоий, Зарафшон ва бошқа янги йирик саноат ва маданият марказлари бунёдга келди.

Экономиканинг аграр секторида туб ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барча турларини етиштириш кўп марта ўсди, республиканинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда.

Маданий қурилишда улкан ютуқларга эришилди. Революциягача аҳолисининг атиги 2 процента ўқиш ва ёзишни ўлдалаган Ўзбекистонда ҳозир 4,3 миллион ўқувчи таълим олаётган 9 мингдан зиёд мактаб, 290 мингдан ортиқ студент ўқиётган 42 олий ўқув юрти мавжуддир.

Илмий муассасалар ва лойиҳалаш-конструктор л и к ташкилотларида 40 мингга яқин илмий ходим меҳнат қилмоқда, шулар орасида 1200 фан доктори ва 16 минг фан кандидати бор. Халқ хўжалигида ишлаб турган ҳар бир минг кишининг 900 дан зиёди олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эга, ҳар 10 минг аҳолига 150 дан ортиқ студент тўғри келади. Бу кўпгина капиталистик мамлакатлардагидан анча кўпдир.

Республикада 30 та театр, 4 мингдан ортиқ клуб муассасалари, 7,8 минг оммавий кутубхоналар, кўплаб музейлар, минглаб спорт иншоотлари мавжуддир. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланмоқда, халқ фаровонлиги ўсмоқда.

Ўзбек халқи эришган тарихий ютуқлар КПССнинг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон Компартиясининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Республика ташкил топганидан бери у сон жиҳатдан қариб 50 баравар ўсди ва ҳозир ўз сафларида 89 миллатга мансуб бўлган 650 мингдан зиёд коммунистни бирлаштирган. Марксизм-ленинизмнинг барҳаёт ғояларига амал қилаётган республика партия ташкилоти КПССнинг ленинча миллий сиёсатини оғишмай амалга оширмоқда, меҳнаткашлар ва аҳолида чуқур ватанпарварлик ва интернационалистик эътиқодларни сабот билан шакллантирмоқда.

Республикамиз эришган муваффақиятлар —бу ягона халқ хўжалик комплекси бўлмиш совет экономикаси ривожланишининг, СССР халқлари бузилмас қардошларча дўстлигидан иборат қудратли омил таъсирининг натижасидир. Ўзаро маҳсулотлар етказиб бериш, йирик халқ хўжалик объектларини биргаликда қуриш, янги ерларни ҳамкорликда ўзлаштириш, фан ва маданият ютуқларини айирбошлаш негизларида Ўзбекистоннинг бошқа совет республикалари билан ҳар томонлама алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг муваффақиятларида, маҳсулотларида бутун совет халқининг, бутун кўп миллатли мамлакатимизнинг бунёдкорлик меҳнати мужассамдир. Масалан, «СССР 50 йиллиги номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси олти иттифоқдош республикага маҳсулот етказиб беради, комплектлаш узеллари, деталлар ва ҳом ашёни эса барча иттифоқдош республикалардан олиб туради. Ўзбекистонга нефть маҳсулотлари, қора ва рангли металлар прокати, енгил ва юк автомобиллари, станоклар, ёғоч материаллари, электротехника ва бошқа хил маҳсулотлар қардош республикалардан келтирилади.

Ўз навбатида Ўзбекистон ССР ҳам умумиттифоқ меҳнат тақсимотига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда: у қардош республикаларга пахта толаси, ипак ҳом ашёси, қоракўл, пахта териш техникаси, хом ип ясайдиган ва йигирув машиналари, сабзавотлар, табиий газ ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради. Шунинг учун ҳам план ва шартнома интизомига риоя қилиш республикадаги ҳар бир меҳнат коллективининг, ҳар бир меҳнатчининг интернационал бурчидир.

Ўзбекистоннинг иккинчи йилига, қайта қуришнинг навбатдаги муҳим ва мураккаб босқичига қадам қўйди. Вазифа эришилган ижобий ютуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстиришнинг узоқ муддатли омилларини ҳаракатга келтиришдан, ишда барқарорлик ва маромни таъминлашдан иборатдир. Ҳар бир меҳнатчи ҳар бир иш кунининг натижаси қанчалар яхшироқ бўлса, жорий йилимиз ва умуман беш йиллиқнинг замини шунчалар мустаҳкам, совет кишиларининг фаровонлиги даражаси шунчалар юқори, кўп миллатли Ватанимизнинг куч-қудрати шунчалар мустаҳкам бўлишини тушуниб олиши ғоят муҳимдир.

Барча миллатлар ва халқларнинг иқтисодий ва социал тараққиётга эришишлари уларнинг миллий ўзлигини тушуниб олишлари ўсиши олиб келди. Бироқ эришилган муваффақиятлардан фахрланишнинг миллий кибрланиш ва мақтанчоқлик билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бироқ ана шундай кўринишларга ҳали ҳам барҳам берилган эмас. Бу ерда гап фақат ўтмиш сарқитларидагина эмас. Хотиржамликка берилиш кайфияти, ўз ҳаракатида ҳеч нарсадан тап тортмаслик, ишларнинг ҳақиқий аҳволини бўяб кўрсатишга уриниш, муайян миллатнинг умумий муваффақиятларга қўшган ҳиссасини бўрттириш, бошқа миллатлар меҳнаткашлари ёрдамини камситиш ёки ёддан чиқариш миллий кибрланиш ва мақтанчоқликни озиқлантирадиган замин бўлиши мумкин.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумида кўрсатиб ўтганидек «Йўқ деганда ҳам, маҳаллийчилик кўринишлари, миллий маҳдудлик тенденциялари, миллий кибрланиш кайфиятлари ва ҳатто ҳали яқиндагина Олмаотада бўлиб ўтгани каби можаролар содир бўлиб турибди».

Миллий маҳдудлик ва гердайиш, миллатчилик ва шовинизм, маҳаллийчилик, сионизм ва антисемитизм қандай шаклларда намоён бўлмасин, уларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал кураш большевизм анъаналарига хосдир. «Биз ишчиларни миллий тафовутларга «бепарволик» руҳида тарбиялашимиз лозим... Интернационалист... бўлмоқ учун фақат ўз миллатинг тўғрисидагина ўйлаш керак эмас, балки барча миллатларнинг манфаатларини, уларнинг умумий озодлиги ва тенг ҳуқуқлилигини ўз **миллатингдан юқорироқ** қўймоқ керак». (В. И. Ленин. ТАТ., 30-том, 53-бет).

Бу кўрсатмалар ўз актуаллигини йўқотган эмас, КПСС Марказий Комитети январь Пленумидаги докладда мазкур масалаларда биз қатъий ва принципиал позицияда туришимиз уқтирилди: «Одамларнинг ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш керак, уларни менсимаслик ярамайди, аммо бу ҳис-туйғулар билан ўйнашиш ҳам ярамайди. Миллатчилик ёки шовинистик хурофотларни рўкач қилиб, улардан фойдаланиб қолувчи кимсалар бу хусусда ҳеч қандай хом хаёлга берилмай қўя қолсинлар ва бўшашувчилик бўлишини кутмай қўяқолсинлар. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, бундай принципиал, ленинча позицияни бутун партия, бутун кўп миллатли совет халқи қўллаб-қувватлайди».

Миллий муносабатларни такомиллаштиришда кадрлар сиёсатини тўғри олиб бориш катта роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитети январь Пленуми, партия, давлат, хўжалик, органларида мамлакатнинг барча миллат ва элатларидан вакиллар бўлиши, раҳбар кадрларнинг составида унинг миллий структурасини ғоят тўла-тўкис акс эттириши зарурлигини яна бир бор уқтирди. Партия кадрларни танлаш ва улар ишига баҳо беришни, уларни жой-жойига қўйиш ва ўринларини алмаштиришни, тарбиялаш ва ўқитишни амалга оширганда умумиттифоқ давлатининг олий манфаатларини кўзда тутади. Ана шу жиҳатларни эсдан чиқариш маҳаллийчилик, идоравий, юртдошлик кайфиятларига берилиш, ошна-оғайнигарчилик ва қариндош-уруғчилик йўлига тойиб кетиш хавфини туғдиради.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эгаки, бу ерда яқин ўтмишда бошқа номатлуб ҳодисалар қаторида кишиларни раҳбарлик лавозимларига уларнинг ишчанлик, сиёсий ва ахлоқий сифатларини эътиборга олмай кўтаришдек ярамас практика жуда кенг тарқалган эди. Раҳбар кадрлар составини янгилашда КПСС Марказий Комитети Иттифоқ органларидан, мамлакатнинг йирик партия ташкилотларидан тажрибали, ташаббускор ходимларни Ўзбекистонга доимий ишлаш учун юбориб, республика партия ташкилотига чинакам интернационал ёрдам берди. Раҳбар кадрларнинг бутун интернационал состави кенгайди. Ҳозир барча партия комитетларининг номенклатураси 60 та яқин миллат вакилларини ўзига қамраб олган.

Бундай практика ривожлантирилади ва такомиллашаверади. Бир томондан мамлакатнинг бошқа областларидан яхши ишлаб чиқариш ва ғоявий-сиёсий чиниқишга эга бўлган ходимларни Ўзбекистон ССРда доимий ишлаш учун юбориш давом эттирилади. Иккинчи томондан, Ўзбекистондан истиқболли ходимлар марказий органлар, Иттифоқ министрликларига ва маҳкамаларига ишлаш учун юборилядилар, кейинчалик ана шу ходимлардан республикада фойдаланилади. Партия, совет ходимлари мамлакатнинг бошқа регионлари партия комитетларида 1-2 йил мобайнида стажировкадан ўтишлари кўзда тутилмоқда. Шунингдек, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликларнинг директорлари, бош мутахассислари, цех бошлиқлари мамлакатнинг илғор корхоналарида стажировкадан ўтадилар. Олий ўқув юртларини битириб чиққан мутахассислари айирбошлаш ҳам кўпаяди. Қардош республикалар ёрдамида маҳаллий миллатдан индустриал ишчилар синфи, айниқса фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш билан боғлиқ бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш борасида йирик миқёсдаги тадбирлар белгиланди. Фақат шу беш йиллиқнинг ўзида Ўзбекистоннинг ўн минглаб йигит ва қизлари Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссиянинг ҳунар-техника билим юртларида таълим оладилар. Ҳар йили бир неча минг ишчиларни стажировкага юбориш мўлжалланмоқда. Улар борган жойларида юқори малакани эгаллабгина қолмай, мамлакатимизнинг бошқа республикаларидаги ўз касбдошлари билан биродарлик алоқаларини ҳам ўрнатадилар.

Партия социалистик миллатларни янада равнақ топтириш ва яқинлаштириш вазифаларини ҳал этиш борасида, сабот-матонат билан социалистик демократияни чуқурлаштиришга, миллий давлатчиликни такомиллаштиришга, унинг интернационал характерини кучайтиришга эришмоқда. Бу республикадаги халқ депутатлари Советлари фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Чунончи, Советларнинг составида 57 миллат вакиллари, комсомол, касаба союзлари ва бошқа оммавий жамоат ташкилотларининг вакиллари бор.

Совет кишиларини ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш масалаларига эътиборни бўшаштирмаслик зарурлиги халқаро маънодаги сабаблар билан ҳам изоҳланади.

Совет Иттифоқининг муваффақиятлари синфий душманларимизга тинчлик бермаётир, улар совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигига путур етказишга интилиб, кишиларимиз онгини миллатчилик оғуси билан заҳарлашга, совет халқари дўстлигини емиришга муваффақ бўлишга умид боғламоқдалар.

Антикоммунизм идеологлари КПСС ленинча миллий сиёсати назарий асосларини СССРда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам миллий масалаларни ҳал этиш тажрибасини сохталаштириб, муваффақиятларимизнинг интернационал аҳамиятини, уларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашаётган, халқлар эътиборини тортаётган жозиба кучини сусайтиришга интилмоқдалар.

Бизнинг муҳолифларимиз советлар миллий сиёсатини империалистик давлатларнинг мустамлака сиёсати билан бир хил қилиб кўрсатишга уринмоқдалар, ўзбек халқининг СССРнинг рус ва бошқа халқлари билан дўстлиги тарихий илдизларини бузиб кўрсатмоқдалар, СССРда миллий маданиятлар йўқолиб бораётганлиги тўғрисида, Ўрта Осиё республикалари «зўрлаб руслаштирилаётганлиги» ва «советлаштирилаётганлиги» ҳақида аюҳаннос солмоқдалар, аҳоли ўртасида носоғлом кайфиятларни тарқатишга интилмоқдалар.

Ана шундай пропагандистик кўпорувчиликнинг ҳақиқий мақсадларини фош этиб ташлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Фақат ёлғончи ва ифвогаргина Ўзбекистонда совет ҳокимиятини барқарор қилишда, унинг экономикаси, фани ва маданиятини ривожлантиришда қардош республикалар ва-киллари кўрсатган олижаноб ёрдамни экспансия сифатида тасвирлаши мумкин.

Гражданлар урўши йилларида, советлар Россиясининг ўзи ниҳоятда қийин даврни бошидан кечираётган бир пайтда мамлакатнинг рус ва бошқа халқлари интервентлар, оқ гвардиячилар ва босмачилар тўдаларини тормор келтиришда Туркистон халқларига жуда катта ёрдам кўрсатдилар. Ўлкада Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашга В. И. Ленининг сафдошлари — оташин революционерлар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, Ш. З. Элиава, Я. Э. Рудзутак ва бошқа кўпгина фидокорлар бебаҳо ҳисса қўшдилар.

Тошкент давлат университетининг ташкил этилиши бегараз қардошларча ёрдамнинг ёрқин тимсоли бўлди, бу олижаноб ишнинг ташаббускори В. И. Ленин эди. 1920 йилда ўқув қуроллари, 50 минг томдан ортиқ китобдан иборат кутубхона ортган бешта эшелон Тошкентга етиб келди. Москва ва петроградлик профессор ва ўқитувчилардан 86 киши доимий ишлаш учун келдилар.

Улуғ Ватан уруши совет халқи монолит бирлигининг қаттиқ синови бўлди. Мамлакатнинг бошқа шарқий районлари каби Ўзбекистон ҳам фронтнинг қудратли арсеналига айланди. Республикага 100 га яқин саноат корхоналари кўчириб келтирилди, улар индустриянинг янги тармоқларига асос солди. Жуда ҳам қисқа муддатда ҳарбий маҳсулотлар, шу жумладан самолётлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўзбекистон 1 миллиондан ортиқ эвакуация қилинган кишиларнинг, шу жумладан 200 минг боланинг иккинчи уйига айланди.

«Ўзбек халқининг ўзбек жангчиларига мактуби» фронтда, бутун мамлакат бўйлаб жуда катта акс садо берди. Бу мактуб ўзбек халқи букилмас иродасининг, унинг ленинча халқлар дўстлиги ғояларига садоқатининг ёрқин рамзи сифатида тарихга кириб қолди. «...Сенинг катта оғанг — руснинг уйига, сенинг оғаларинг — белорусс ва украиннинг уйига герман босқинчилари бостириб кирди, —дейилган эди мактубда. — У қора вабо, дор ва қамчинни, очлик ва ўлимни олиб келмоқда. Аммо руснинг уйи сенинг уйинг, украин ва белоруссиннг уйи сенинг ҳам уйингдир...»

Зилзила вайрон қилган Тошкентни тиклашдаги умумхалқ ёрдами чинакам интернационализм рамзи бўлиб қолди. Қардош республикаларнинг 10 мингдан ортиқ вакиллари 1,5 миллион квадрат метр ўй-жой қуриб бердилар.

Бизда интернационализм кундалик ҳаётимизда, совет кишиларининг бунёдкор меҳнатида, жадаллаштириш ва қайта қуриш учун кураш жараёнида қарор топмоқда. Республикаларда, областлар ва районларда, корхоналар ва колхозларда турли миллатларга мансуб кишилар биродарларча яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар. Социализм барча миллатлар ва элатларни бир бутун қилиб жипслаштирди. Гап БАМ қурилиши ёки Ноқоратупроқ ўлкага ёрдам бериш тўғрисида, Мирзачўл ёки Қарши чўлини ўзлаштириш хусусида, Тошкентдаги зилзила оқибатларини ёки Чернобиль атом электр станциясидаги авария оқибатларини тугатиш ҳақида борадими — мамлакатимиз халқари ҳамма ерда бир жон, бир тан.

Бизнинг душманларимиз айни шу нарсани атайин тан олмайдилар.

Қўпорувчилик билан шуғулланувчи марказларнинг миллатчилик кайфиятларини авж олдиришга уринишлари уларнинг диний хурофотлардан фойдаланиш, КПСС ва Совет давлатининг динга нисбатан сиёсатини бузиб кўрсатишдаги хатти-ҳаракатлари билан узвий боғлиқдир. «СССРда виждон эркинлиги йўқлиги», «Динга ишонувчиларни таъқиб этиш» тўғрисидаги, маҳаллий, миллий ва диний, жумладан ислом анъаналарининг бир хиллиги ҳақидаги сийқаси чиққан уйдирмалар безор қиладиган даражада такрорланмоқда. «Ислом омили» сионизм ва бошқа динлар ҳамда мазҳабларидан, хурофий маросимлардан, шунингдек мазҳабпарастликдан советларга қарши мақсадларда фойдаланишга уринишлар сусаймаётир. Диний экстремистларга алоҳида умид боғланмоқда.

Дин ниқоби остида амалга оширилаётган ғоявий қўпорувчиликни сабот билан фош этиш; диний идеологияга қарши кураш зарурлиги тўғрисидаги марксча-ленинча назария қоидалари моҳиятини, динга, черковга, динга ишонувчиларга нисбатан партия ва Совет давлатининг сиёсатини тушунтириб бериш керак. Янги социалистик расм-русумлар пропагандаси ва уларни меҳнаткашлар турмушига жорий этишни активлаштириш, илғор халқ анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва айни вақтда интернационал тарбияга тўсқинлик қилаётган эскирган анъана ва маросимларнинг реакцион моҳиятини фош этиш лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида таъкидланганидек, тарихий ўтмишни идеаллаштириш, ижтимоий фанларда, адабиёт ва санъатда, республика ҳаётининг бошқа соҳаларида бўлганидек, айрим тарихий шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан чекиниш ватанпарварлик ва интернационал тарбия ишига сезиларли путур етказади, бу шунингдек миллий ғурур масаласи хусусида одамларни чалғитади, халқлар қардошлиги ва дўстлиги руҳининг чинакам қарор топишига тўсқинлик қилади. Интернационал социал ва маънавий тажрибага, халқлар дўстлиги ва қардошларча қўллаб-қувватлашга таянган — ҳар бир социалистик миллатнинг муваффақиятли равишда олға боришининг ҳаётий муҳим шарт-шароитидир.

Шуниси муҳимки, деб таъкидланди партия XXVII съездида, ҳар бир миллий маданиятга, мавжуд бўлган барча қимматли жиҳатларга соғлом қизиқиш миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва яқинлашувидан иборат объектив жараёндан ажралишга уринишларга айланиб кетмаслигига, миллий ўзига хослик ниқоби остида бизга ёт реакцион миллатчилик ва диний сарқитларни тиқиштиришга йўл қўймаслик керак.

Мамлакатимиздаги маданий қурилиш тажрибаси бирбирини бойитиш ва ўзаро таъсир кўрсатиш самарали жараён эканлигини кўрсатади. Бу жараён ҳар бир миллат маданиятидаги энг яхши жиҳатларни намоён қилиш имконини беради ва миллий шаклларни сўндиришга эмас, балки, аксинча, уларни равнақ топтириш ва ривожлантиришга олиб келади. СССРдаги барча халқлар маданиятлари ютуқларининг синтези негизида ягона интернационалистик совет маданияти бунёдга келади.

Совет кишиларида миллатлараро алоқалар маданиятини тарбиялаш ва уни кўникмага айлантиришсиз халқлар дўстлигини, уни ривожлантиришни тасаввур этиб бўлмайди. Бундай маданиятни оила, мактаб, меҳнат коллективлари ва жамоатчиликнинг куч-ғайратларини бирлаштириб, энг ёшликданоқ тарбиялаш лозим, болалар ва ёшларда интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғуларини, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизликни шакллантириш зарур.

Интернационал тарбияда рус тилини — буюк Ленин тилини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадирки, мамлакатимиз аҳолисининг 82 проценти бу тилда бемалол гаплаша олади. Социализм шароитларида рус тили миллий тилларни йўқ қилмайди, балки уларнинг эркин ривожланишига ва тенг ҳуқуқда фойдаланилишига кўмаклашади. Икки тилни эгаллаганлик илғор воқеликдир. Бундай воситасиз кўп миллатли давлатда миллатлар ва элатларнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётдаги ҳамкорлигини ташкил этиш мумкин бўлмаган бўлур эди.

* * *

Совет халқи стратегик жиҳатдан муҳим бўлган вазифа — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифасини ҳал этаётган, демократия ва ўз-ўзини бошқариш кенгайтирилаётган, барча миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги пайтда, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумида ўқтирилганидек, вужудга келаётган масалаларни имкони бўлган бирдан-бир негизда, — ҳар миллат ва элатнинг равнақ топиши манфаатларини кўзлаб, уларнинг янада ўзаро яқинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб ўз вақтида ва одилона ҳал қилиш алоҳида касб этади.

Миллий сиёсатнинг ленинча принципларини янги шароитларда ижодий қўллаш, миллий муносабатларда ниҳоятда зийраклик ва принципиаллик кўрсатиш кўп миллатли Ватанимизни, СССРдаги барча халқлар қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш демакдир.

«ПАРТИЯ ШУНГА АСОСЛАНАДИКИ, ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШ, ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАБ БОРИШ — СОЦИАЛИЗМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ БЎЛИБ, КЎП МИЛЛАТЛИ СОЦИАЛИСТИК ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ ПРАКТИКАДА СИНАЛГАН ЙЎЛИДИР»

(КПССнинг янги таҳрирдаги Программасидан).

• *Жонажон Ватан бўйлаб*



Суратларда: 1. «Востокподводтрубопровод строй» трести 4-сув ости — техника ишларини бажариш учун ихтисослаштирилган бошқарма бригада бошлиғи А. Символоков. У СССР Касаба Союзлари XVIII съезди делегатидир. 2. Украина ССРдаги Ясиноватая станциясида темир йўл ҳаракатларини бошқариш пости аъзолари иш устида. 3. Қозоғистон ССРнинг Темиртов шаҳрида 124 ёшли Роҳиш Бойбусонова истиқомат қилади. Медицина ҳамшираси О. Панова унинг ҳузурида. 4. Бокудаги кондиционерлар заводи.

(ТАСС фотохроникаси).

ШЕЪРИЯТНИНГ БУЮК ДАҲОСИ

Янги рус адабиётининг тамал тошини қўйган, рус адабий тилини яратган мумтоз санъаткор Александр Сергеевич Пушкиннинг ҳайратомуз асарлари инсониятнинг маънавий оламини бойитди, унинг бадиий тараққиётини анча олдинга сурди.

Пушкинда улуғ рус халқининг ажойиб қобилияти, ақл-заковати, эътиқод-иродаси, инсонпарварлиги, Ватанга бўлган чексиз муҳаббати, садоқати мужассамлангандир. Унинг асарларидаги фикр ва мулоҳазалар буюк фалсафий-эстетик, ахлоқий аҳамият касб этади.

Пушкиннинг энг катта хизматларидан бири шундан иборатки, рус халқининг руҳий тараққиёт фактори бўлган ўз даври адабиётининг муҳим тарихий аҳамиятини у ўзининг барча замондошларидан олдинроқ ва чуқурроқ тушуна олди. «У адабиётни миллий иш даражасига биринчи бўлиб кўтарди», деган эди Чернишевский.

Ярим асрдан ошдики, Пушкиннинг бадиий меросини ўрганиш учун бошланган умумхалқ юришида ўзбек зиёлилари ҳам актив қатнашиб келмоқдалар. Ўзбек халқи шоирнинг эрксеварлик руҳини чуқур эъзозлайди. Тошкентдаги энг гўзал, энг чароғон, энг гавжум Пушкин кўчаси ва ажойиб ҳайкали билан халқимиз ҳамиша фахрланади.

Пушкиншунослик рус адабиёти фанининг муҳим тармоқларидан биридир. Шоир қўлёзмалари СССР Фанлар академиясининг Рус адабиёти институти (Пушкин уйи)да сақланмоқда. Мунтазам равишда пушкиншуносликка оид тўпламлар нашр этилади. СССР ФАнинг Тил ва адабиёт бўлимида Пушкин ижодини ўрганиш бўйича махсус комиссия мавжуд. Пушкин ижодини тарғиб этувчи бир қанча музейлар ишлаб турибди. Ўзбекистонда ҳам республика Ёзувчилар союзи Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда анча фойдали тадбирларни амалга оширмоқдалар. Пушкин номида олий ўқув юртлари, мактаблар, совхоз, колхозлар бор.

Назаримда Пушкин асарларини пропаганда қилиш мавжуд таржималарни ўрганиш, таққослаш, баҳолаш, янги таржималарни ташкил этиш ишларини олиб борадиган обрўли, бақувват доимий ишловчи бир комиссияни тузмоқ вақти келди.

Пушкин миллион-миллион рус деҳқонларига, асоратда, азоб-уқубатда кун кечирган, илму-маърифатдан маҳрум этилган мазлум элэлатларга озодликни куйловчи овозининг етиб боришини орзу қилган эди. Александр Сергеевич Пушкин Улуғ Октябрь социалистик революцияси туфайли, Ленин ва коммунистлар партияси шарофати билан ўша улкан орзуга етган ҳазрати инсондир.

Комил ЯШИН,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ДАВРЛАР ОША

МАНГУ ҒОЯЛАР

Ўттизинчи йилларда ўзбек адабиётига шоир ва ёзувчиларнинг катта бир гуруҳи кириб келди. Бу бизнинг авлод, бошқачароқ айтганда ўзбек совет адабиётининг дастлабки вакиллари эди. Айтишим мумкинки, ана шу авлод ижоднинг равон йўлига чиқиб олишида рус классик ёзувчилари қатори Пушкин даҳосининг ҳам хизмати беқиёсдир. Шунинг учун биз Пушкинни ўзимизнинг устозимиз деб биламиз.

1936-37 йиллар эди. Рус халқининг буюк шоири А. С. Пушкин асарларини ўзбек тилига ўгириш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Бу қутлуғ ишга энг бақувват шоир ва ёзувчиларимиз жалб этилди. Мен ҳам тенгдошларим қатори шоирнинг «Арзирумга сайёҳат», «Тобутсоз» номли асарларини камоли ҳурмат билан ўз тилимизга таржима қилган эдим. Мана шунга ҳам 50 йил бўлибди. Ҳали ҳануз бирон асар устида ишласам Пушкин менга мададкор, улуғ сиймоси кўз ўнгимда.

Пушкин асарларига хос бўлган халқчиллик, ватанпарварлик, эркпарварлик, интернационализм, эзгу ғоялар сари чорловчи оҳанрабо авлодлар оша, халқлардан-халқларга ўтиб мангу яшайди. Инсониятнинг маънавий камолоти учун хизмат қилаверади.

УИҒУН,
Ўзбекистон ССР халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҲАР АВЛОДНИНГ ЎЗ ПУШКИНИ БОР...

Рус шеърияти Пушкинга қадар узоқ изланиш йўлларини ўтди. Турли-туман услублар, йўналишлар бирбирининг ўрнини ола-ола, майин ва дағал, жўн ва чиғал, заминий ва самовий, сокин ва исёнкор, фикрий ва ҳиссий шеър кураша-кураша Пушкиндек улкан даҳо пайдо бўлди ва рус миллий шеъриятини баркамоллик чўққисига кўтарди. Кантемирдан Пушкингача ва Пушкиндан бугунги ёш шоиргача шеърий санъат бошидан кечирган «изм»ларнинг сону саноғи йўқ. Лекин барибир Пушкин асос солган ва юксак чўққига олиб чиққан халқчил шеърият, эрксевар, ҳаққоний, курашчан шеърият ҳамиша истеъдоднинг тамали бўлди ва бугун ҳам барча шаклий ва услубий «янгиликлар»нинг оқибати «Пушкинга қайтиш», балки, тўғрироғи, «Пушкин сари юксалиш» билан якун топса ажаб эмас.

Пушкин — бир жаҳон. У жаҳоннинг ўзидек турли-туман ва бир бутун мураккаб ва содда, ҳаҳлик ва бепоён, Пушкин сатрларини ўқиган киши табиат китобини ўқигандек ҳайратланади, қувонади, завқланади, изтиробга тушади.

Пушкин — бизга умрбод йўлдош. Умримизнинг турли даврида биз унинг турли қирраларини кашф этамиз... Болаликда Пушкин биз учун «Руслан ва Людмила», «Поп ва унинг хизматкори Балда», «Олтин хўроз ҳақида эртак» каби асарларни ёзган «сеҳргар шоир» бўлса, йигитликда биз унинг «Едимдадир ажиб сония», «Сен ва Сиз» каби шеърларини ён дафтаримизга кўчириб юрамиз, севги мактубларига қўшиб битамиз. Кейинроқ Пушкин ҳаётимизга «Евгений Онегин», «Борис Годунов», «Моцарт ва Сальери», «Мис чавандоз»лар билан киради ва бизни умрбод тарк этмайди.

Ҳар бир умр фаслининг ўз Пушкини бўлганидек, ҳар бир авлоднинг ҳам ўз Пушкини бор. Йиллар ўтиши билан уни ҳар бир насл янгича ўқийди. Шу боис ҳам Пушкин каби даҳоларнинг асарлари вақти-вақти билан қайта таржима қилинади. Бизда ҳам ана шу зарур ва хайрли ишнинг вақти етган. Муҳтарам устозларимиз халқимизни Пушкин билан илк таништириш йўлида катта меҳнат қилдилар ва бир йигит умри мобайнида бу таржималар бизга садоқат билан хизмат этди. Бугун шеъриятимизда янги авлод етишди, бу авлод устозлар меҳнатини инкор қилмаган ҳолда, Пушкинни ўз назари билан талқин қилмоғи керак. Шундоқ бўлмоқда ҳам. Баъзи ёш шоирларимизнинг бу табаррук ишга бел боғлаганликларини табрикласа бўлади.

Мен ҳам турли йилларда Пушкиндан таржималар қилганман. Бугун улардан баъзиларини диққатингизга ҳавола қилмоқчиман.

Эркин ВОҲИДОВ.

А. С. ПУШКИН.

Ҳофиздан

Жанг шавқини дилда уйғотма,
Ёнма, йигит, зафар, шон билан.
Қонли ҳарбга ўзингни отма
Карабахлик оломон билан.
Балки сени ўлдирмас қотил,
Майдон аро, қиличлар аро

Барнолигинг кўрган Азроил
Юбормагай бемаҳал қазо.
Бир нарсадан қўрқаман фақат:
Ошно бўлиб жангда бебоклик,
Сенда қолмас дилбар назокат,
Бу майнилик, гўзаллик, поклик.

Сен ва Сиз

Ҳавойи Сиз ўрнига янглиш
Қиз ногиҳон Сен дея айтди.
Шу дилбар сўз кўнглимда ёниш,
Ўйларимда орзу уйғотди.

Термуламан, сўз дерга ожиз,
Сеҳри тамом ром этган мени.
Сиртда дейман: қандай яхшисиз,
Қалбда эса: севаман сени.

Эпиграммалар

Таъна билан жонимга тегдинг,
Жавоб сенга мухтасар, ошнам
Ҳа,мен ишчан эмасман, лекин
Сен омилсан ялқовликдан ҳам.

* * *

Иллатлари ҳаддан знёда,
Нопок яшаб келди бу одам.

Гуноҳларин ёйса дунёда
Жой қолмагай қўймоққа қадам.
Инсоф кирди унга ниҳоят,
Аста-секин йўл топди тўғри.
Мана энди дуруст, ҳайрият,
Номи бўлди картабоз ўғри.

* * *

Кар карни кар қозининг ҳукмига тўғрилади,
Кар деди: бу кар меннинг молимни ўғрилади.
Кар карга жавоб берди: бекор айтибсан, эй кар,
Сен айтган у қўрққа етти пуштим дон экар,
Кар қози ҳукм қилди, пок иш бўлсин, бир йўл бор,
Йигитни уйлантириг қиз бўлса ҳам гуноҳкор.

Э. ВОҲИДОВ таржималари.

СЎЗ АЙТИБ ИНСОНЛАР ҚАЛБИН ЁҚА БИЛ

1837 йил (29 январь) 10 февраль куни соат 2 дан 45 минут ўтганда буюк шоирнинг ҳаёти тинди. Лекин бу ўлим табиатнинг азал-абад қонуни ўз вақти соатида амалга ошиши эмас, қонуниятнинг хиёнаткорона бузилиши эди. Дантес либосидаги ёвузликнинг мангуликка дахлдор инсон ҳаётига ҳамласи эди. Иблисона тубанликнинг тимсоли бўлган бу ҳамла буюк инсон умрини ярим қилди. Аммо шоир шуҳратини, халқнинг шоирга бўлган муҳаббатини Дантесга ҳам, Геккерманга ҳам, подшога ҳам насиб этмади. Ҳаётининг сўнгги нуқтаси Пушкин учун мангуликнинг бошланғич нуқтаси бўлиб қолди.

Мангулик тожига эришиш учун қанчалик машҳур бўлмасин фақат шоир бўлишгина кифоя эмас. Табиатнинг, тарихнинг инъоми бўлган буюк талантини буюк ғояларга хизмат этгира олган, бу талант масъулиятини чуқур ҳис этиб, бадиий заковатини халқига, Ватанига, башарият равнақига бағишлай олган фидоий шоиргина мангу барҳаётдир.

Пушкин ана шундай шоир эди. У адабиётга пушкинона гўзал бадииятни олиб кирган буюк сўз нақшинкоригина эмас, улуғвор ғоялар, мўътабар бир инсонга хос олижаноб фикр ва гўзал туйғулар ифодачиси, Ватаннинг содиқ фарзанди, замонасининг мумтоз граждани ҳам бўла олган. Шунинг учун ҳам Пушкин сиймоси ғоявийлик ва бадиийликнинг мужассам тимсоли сифатида авлодларга намуна бўлиб келмоқда.

Пушкин декабристлар қатл қилинганда улар билан бир сафда бўлишни орзу қилган, декабристлар қатл этилган дор тасвирини чизганда олтинчи сиртмоққа ҳам ишора қилган эди.

Пушкин ўзини декабристлар билан ҳаммаслак деб билган, «уларнинг сирли куйчиси» бўлганлиги билан фахрланган. Декабристларнинг қатл этилиб ўзининг омон қолишини тасодифий ҳодиса деб талқин қилади ва декабристларнинг ғояларига ҳамиша садоқат сақлашини ифодалаб «Армон» шеърида шундай дейди:

Уларга куйлардим...
Бирдан қўрқувлик
Тўлқинлар қуюни —
босқинчи довул,
Шовқин-ла келди-ю босди
барчамиз...
Чўкди, дарга, чўкди
бариси,
Фақат мен уларнинг сирли
куйчиси
Отилганман қирғоқ томон
даҳшат чоғида:
Ўша қўшиқларни ҳамон
айтаман...

Ҳа, Пушкин эрк қўшиқларини куйлашдан бир умр толмади. У «орзу этилган замон келур» деган эътиқодга ишончдан, «оғир кишанларнинг парчаланишига, зиндон қулаб» «эрк шодумон» тантана қилишига бир умр ишониб яшади.

Пушкиннинг бу жасорати шеър аҳлини курашчанликка, революцион позицияда собит туришга даъват этмайдими?

Ҳа, биз Пушкиндан энг аввало курашчанликни мерос қилиб олмоғимиз, инсоният тақдирига, эзгулик ва адолат тақдирига, олижаноблик ва гўзаллик тақдирига лоқайдликка бу исёнкорликни қарши қўймоғимиз лозим.

Пушкин «Ватан даъватига қулоқ солиб» яшаган, «муқаддас озодлик дақиқаларини» орзиқиб кутган, Россиянинг «уйқудан уйғониш»ини комил ишонч билан куйлаган шоир. Унинг шеъриятига хос ватанпарварлик, юксак гражданлик пафоси, нурафшон оптимистик руҳ ҳамма асрлар шеъриятига ҳамиша ҳамроҳ бўлишга арзигулик.

Пушкин — биз учун инсонийликнинг ҳам ноёб намунаси. У ўз ижодини инсон гўзаллигини куйлашга, инсон эркини улуғлашга бағишлади. Пушкин шеъриятида гуманизм ўзининг олий ифодасини топган. Шоир «баҳор байрамида гўзал сайилда қушчага эрк бериб учирар экан», бундан кўнгли тасалли ва ором олади ҳамда:

Ахир мен озодлик этолдим
инъом
Ақалли биргина жонга бу
нафас!, — деб фахрланади.

Инсонийликни улуғлаш бугунги адабиёт учун ҳам жон риштаси эмасми? Одамхўр баллолар империализм шаклида инсоният бошига тажовуз қилиб турганда бу инсонийликнинг қиммати яна ҳам юксакроқ аҳамият касб этмайдими?

Рус халқининг буюк даҳоси, миллий ғурури Пушкиннинг шеърияти умуминсоний аҳамиятга ҳам эга.

Интернационализм Пушкин даҳосига алоҳида улуғворлик, унинг ижодига умумбашарий қиммат касб этди.

Шоир ўз асарларида Кавказ тоғларининг салобатли чиройини ҳам, татар хони Гаройни жондан севган грузин қизи Земанинг тоғлиқларга хос мағрур характери ва оташ севгисини ҳам, хоннинг қалбини забт этган поляк гўзали Мариянинг жозибали қиёфасини ҳам, лўли қизнинг бетинам жаврашларию, черкас қизининг самимийлиги, қалмоқ аёлининг саҳройи гўзаллигини ҳам, грек қизининг садоқати-ю, шарқ аёллари чиройини ҳам, араб гўзали Лайлининг нозуистиғнолари-ю шарқ шеъриятининг буюк сухандонлари Ҳофиз, Саъдий донишмандлигини — буларнинг барчабарчасини муҳаббат билан тараннум этади.

Инсоният фарзандига, инсоният шоирига айланиш учун инсоннятга, барча миллатларга муҳаббат билан қарамоқ, уларга ишонмоқ керак, деб сабоқ беради бизга Пушкин интернационализми.

Оламга ҳайрат билан боқиб гўзалликни кашф этиш «ишқнинг азобли йўлини азиз» билиб изтиробли, аммо покиза туйғулардан бахт топиб, ҳаётда қийиб-ёниб, инсонга ҳамдард бўлиб, Ватан учун қайғуриб яшаш туфайли туғилган олий туйғуларни ифода этиш шоирга тинчлик ва оромдан воз кечиш эвазига ҳадя этилган армуғондир. Пушкин ана шундай армуғонга муяссар бўлиб мангулик тожига эришди.

У ўзининг бутун ижоди давомида шеъриятнинг шарафли машаққатини афзал кўрди, шеърият оламини энг олий гўзаллик олами деб билди, «даҳо навқиронликнинг ҳамда гўзалликнинг мангу мухлиси» бўлиб қолиши керак, деб хитоб қилди. Шеъриятнинг азобли йўлидан асло қайтмаслигини, шоирликнинг заҳматли меҳнатини ўзи учун саодат санаб: «Бахтим ёр бўлиб рубоб танлардимми, бас», деб эътироф этди, бор-лиққа «ҳақлик таратишни, сўз айтиб инсонлар қалбин ёқа билишни» эътиқодга айлантирди.

Пушкин вафотига 150 йил тўлди. Унинг «олтин мисраларга нақшланган фикр»лари баён этилганига бир ярим асрдан з и ё д р о қ вақт ўтди. Пушкин орзу қилган замон — «хушнуд кунлар», Пушкин орзу қилган «маърифатли авлод» дунёга келди.

Пушкин кишилар қалби нурли, маърифатли бўлишини орзу қилди, бу орзуси келажакда амалга ошишига комил ишонч билан қаради ва:

Маърифатли чеварам бир
кун,
Сўзлашгани ёнимга келар.
Сўзларимдан руҳланиб
бутун
Ўз созида соғиниб эслар,

деб ёзди.

Дарҳақиқат, унинг чеваралари, у орзу қилган маърифатли авлод Пушкиннинг олтин созини, унинг эрксевар, халқпарвар инсоний юрагини, «севгисиз бўсани жиноят» деб билгувчи, «муқаддас дўстликка бир умр садоқат сақловчи», «ақл, гўзалликни хўб севгучи» покиза қалбини ўзига мерос қилиб олди.

Пушкиннинг инсон ақлидрокини, ёруғликни улуғловчи, зулматни, жаҳолатни қораловчи эҳтиросли ўйфикрлари ҳам бизнинг маънавиятимизни уйғунлаштиришга хизмат қилади. Шоирнинг шу руҳдаги мисралари кайфиятимизга бардамлик бағишлайди, эзгулик тантанасига ишонч уйғотади. Эътиқод йўлида мардонавор бўлишга ундайди. Ҳаётнинг чигал муаммоларини ҳал этишда бизни жасурликка, порлоқ ақл билан иш кўришга чақиради.

Белинский Пушкин поэзиясининг мангулиги, жозибадорлигининг сири тўғрисида фикр юритар экан, инсонларда гўзаллик туйғусини, инсонийлик туйғусини камол топтириш шоир шеъриятининг моҳиятидир, деб кўрсатган ва Пушкин ижоди кишиларнинг эстетик ҳиссиётинигина эмас, маънавий-руҳий оламини ҳам бойитувчи манбага айланади деб таъкидлаган эди.

Ҳа, Пушкин ижоди инсон қалбини бутун гўзаллиги билан ифода этувчи нафосат қомуси, инсон тафаккури қодир бўлган буюк ғояларнинг улкан уммони. Унинг ҳар бир асари доҳиёна талант нурлари билан йўғрилган. Шу боис, салкам икки асрдан бери Пушкин ижоди инсониятнинг маънавий ташналигини қондириб, бадиий заковатини чархлаб келмоқда.

Дилбар ҚАМБАРОВА,
филология фанлари кандидати.

ПУШКИН ҲАҚИДА

Рус табиати, рус қалби, рус тили, рус характери Пушкинда шундай бир тозаликда, соф гўзалликда акс этганки, уни бутун борлиқ оптик қабариқ шишада акс этганига таққослаш мумкин.

Н. В. Гоголь.

●

Ҳар бир маълумотли рус киши Пушкин асарларини қўлга олади ва бу асарларни бутун ҳаёти давомида ўқиб боради... Унинг қўшиқлари ўтмиш даврининг давомидир, улар ҳозирги даврни қаҳрамонона садолар билан тўлдирди ва олис истиқболга юборди.

А. Герцен.

●

Пушкин мангу барҳаёт ва ҳаракатланувчи ҳодисалар силсиласига кирадики, улар ўлим содир бўлган нуқтада ҳам тўхтаб қолмайдилар. Балки, жамият онгида ривожланишда давом этадилар, ҳар бир давр улар ҳақида ўз фикрини билдиради.

В. Г. Белинский.

●

Мен Пушкиндан кўп нарсани ўрганмоқдаман. У менинг отамдир. Ундан ўрганиш керак.

Л. Н. Толстой.

●

Пушкин «Евгений Онегин»да, бу мангу етишиб бўлмайдиган поэмада буюк халқ ёзувчиси бўлиб кўринди. Унгача ҳеч қачон ва ҳеч ким бу даражага эришмаган эди.

Ф. Достоевский.

●

Пушкин менинг идеалим, менинг ўқитувчим, мен эриша олмайдиган намунадир.. Пушкиннинг Россия олдидаги хизматлари буюк ва у халқ эътирофига муносибдир. У тилимизни узил-кесил пардоздан чиқаришни якунлади. У рус ҳаётининг барча жиҳатларига типик образлари, мангу барҳаёт овозлари билан жавоб берди. У биринчи бўлиб, иқтиҳоят, қудратли қўли билан поэзия байроғини рус тупроғига чуқур ўрнатди.

И. С. Тургенев.

БАДИИЙ ИЖОД ХАЗИНАСИ

Мен улуғ рус шоири А. С. Пушкин ижоди билан б е в о с и т а унинг «Боқчасарой фонтани» поэмасининг таржимаси устида ишлашимдан анча илгари таниш эдим ва шоир шеърияти руҳини озми-кўпми тасаввур этар эдим.

Таржимани бошлашдан аввал «Боқчасарой фонтани» поэмасининг яратилиши тарихини ва унинг бадиийшаклий хусусиятларини чуқур ўрганишга тўғри келди. Мен шоир ижодий фантазиясининг ёркин парвозидан, бўёқлар гаммасининг ранг-баранглигидан ҳайратга тушдим ва лол қолдим.

Поэмани ўзбек тилига ўгириш жараёнида мен шоир сифатида нималарни ўргандим ва ижодим нималар билан бойиди?

Ўз қаршимда шеърий маданиятимни юксакка кўтаргувчи, бадиий маҳоратни эгаллашимга ёрдам бергувчи, улкан бадиий ижод хазинаси турганлигини чуқур ҳис этдим. Энг аввало, муҳим бир мавзуни бунчалик кенг ёритиб бериш учун, бадиий тасвир воситалари зиммасига чуқур маъноларни юклаш маҳоратидан қойил қолдим.

Пушкин мазкур поэмада қаҳрамонлар турмуш шароитини типик деталлар орқали ёркин акс эттиради. Нозик штрихлар билан мукаммал образлар галереясини яратади.

Бутун совет ёзувчилари ва шоирлари сингари мен учун ҳам Пушкин бадиий ижоднинг шундай юксак баркамол чўққисики, унга нисбатан ўз ижод йўлингнинг ҳаққонийлигини аниқлаш мумкин.

Усмон НОСИР.

(«Правда Востока», 1937 йил, 33-сон).

А. С. ПУШКИН.

МАФТУНКОР ЛАҲЗА

Едимдадир мафтункор лаҳза,
Пайдо бўлдинг қаршимда,
маҳзан.
Хаёлотнинг ёркин чечаги,
Гўзалликнинг нафис малаги.
Ўтди қанча умидсиз йиллар
Неча ёниб ўртанди диллар.
Қулоғимдан кетмас овозинг,
Тушларимга кирар оразинг.
Йиллар ўтди. Асов бўронлар
Юлиб кетди орзу барглари.
Унут бўлди, йўқотди кучин
Менинг учун илоҳий ҳусн.
Кўз ёши йўқ, севги йўқ, маҳзун,
Илоҳий ҳис, илҳомсиз беун—
Тутқунликда, дўстлардан нари
Судралишиб ўтар кунларим.
Хаёлотнинг уфқида ёна
Кўринади жамолинг яна.
Ғам-андуҳлар йўқолар, бир
пас,
Дилда яна уйғонар ҳавас.
Яна қалбда ташвиш, ҳаяжон,
Қайта яшнар боғдаги ҳазон.
Илоҳий ҳис, илҳом ва яна
Кўз ёш, севги қилар тантана.

Мақкам МАҲМУДОВ таржимаси.

ФОТОАРХИВДАН

Алишер Навоий номли Ўзбекистон ССР академик Катта театрида «Боқчасарой фонтани» поэмаси асосида саҳналаштирилган балетдан бир кўриниш. Бош партияларни театрнинг етакчи артистлари (Зарема — Г. Измайлова, Мария — Б. Қорнева, Хон Гарой — Р. Тангуриев) ижро этишган.

К. Ромеев фотоси.

ГАЗЕТА ТАХЛАМЛАРИНИ ВАРАҚЛАГАНДА

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» («СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ») ЯРИМ АСР МУҚАДДАМ ШУНДАЙ ЕЗГАН ЭДИ:

А. С. Пушкиннинг вафотига юз йил тўлган кунда буюк шоирни хотирлашга анча барвақт тайёрлик кўрилди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1936 йил декабрь ва 1937 йил январь-февраль ойларидаги сонларида бу ҳақда муттасил материаллар бериб борилди. Биз бу ерда шу материаллардан баъзиларини келтирамиз.

А. С. ПУШКИН АСАРЛАРИ ТАРЖИМАСИ

Ўзбекистонда Пушкин юбилейини ўтказиш ҳукумат комитети буюк шоир асарларини ўзбек тилига таржима қилиб чиқариш планини тасдиқлади. Планда таржимонлар ҳам, асарларнинг тиражи ҳам белгиланди. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети бу планни тасдиқлаб «Пушкин асарлари Нафис адабиёт нашриётида 187 минг, болалар адабиёти нашриётида 159 минг нусха босиб чиқарилсин» деган қарор қабул қилди.

А. С. ПУШКИН АСАРЛАРИГА ҚИЗИҚИШ

Самарқандда китоб магазинларига келувчиларнинг қарийб ярми Пушкин асарларини сўрайди. Шаҳарнинг ҳамма нутубхоналарида Пушкинни ўқувчилар жуда кўп. Педагогика институтининг тил-адабиёт факультети буюк шоирнинг асарлари ва портретларидан виставка ясади.

Ёзувчилар союзининг Самарқанд бўлими А. С. Пушкин кунлари олдидан жуда катта ишлар қилмоқда. Студентлар орасида кечалар ўтказилмоқда. Бундай кечалар «Янги турмуш», «Социализм» колхозларида ҳам ўтказилди. Уларда буюк шоир шеърларининг ўзбек тилига таржимаси ўқиб берилди.

ТОШКЕНТДА ЮБИЛЕЙ ТАДБИРЛАРИ

Юбилейини ўтказиш ҳукумат комитети ва маҳаллий партия, совет ташкилотлари бошқарувида, мактабларда А. С. Пушкин ижодига ва ҳаётига бағишланган кечалар, кўргазмалар ташкил этилди, театрлар ва концерт залларида буюк шоир асарларидан постановкалар, концертлар намойиш этилди.

ШОИР НОМИНИ АБАДИЙЛАШ

Республика ҳукумати қарор қилди: «Самарқанддаги кутубхонага А. С. Пушкин номи қўйилсин; адабиёт ва тил институтига Пушкин номи берилсин; Самарқанддаги 37 ва Намангандаги 32-ўрта мактаблар «А. С. Пушкин номли мактаб» деб аталсин.

А. С. Пушкинга Тошкент шаҳрида ҳайкал қўйилсин».

ДАҲОДАН ЎРГАНАМИЗ

Газетанинг 10 ва 11 февраль сонларида улуғ рус шоири хотирасига бағишланган саҳифаларда ўзбек маданияти арбоблари, шоирлар, адибларнинг мақолалари, шеърлари, Ойбекнинг «Даҳодан ўрганамиз», Юсуф Султоннинг «Нечун Пушкинни севамиз» мақолалари, Ҳамид Олимжоннинг «Пушкин» номли шеъри босилган. Ойбекнинг ниҳоятда нўтаринки рухда, улуғ шоирга чуқур иззат-ҳурмат руҳида ёзилган мақоласи қўйидаги жумлалар билан бошланади:

«Рус адабий тилини яратган, рус адабиётини катта тарихий тараққиёт йўлига олиб чиққан, ижодининг қуёши ила келажак адабий фикр йўлларини ёритган даҳо шоир, азамат рус шоири ўзининг порлоқ асарлари билан СССРнинг ҳамма халқларини мафтун этадир. Бугун уни бутун буюк социализм мамлакати ўқийди, Совет мамлакатининг ҳамма халқлари бугун даҳо шоирнинг хотираси билан яшайди, миллионларнинг қалби унинг қайноқ илҳоми ила тўлқинланади».

Тайёрловчи: Тўлқин РУСТАМОВ.

• *Соғлиқни сақлашга—доимий эътибор*

КЎПДАН КЎП ҚАРОРЛАР ПАНАСИДА

Ўзбекистонда деярли ҳар бир хонадон серфарзанд оиладир. Медиклар юмушсиз қолмайди. Она ва бола соғлиғига масъулият билан муносабатда бўлинаётган жойлардаги натижалар қувонтирмоқда. Наманганда марказий туғуруқхонада ҳаммаёқ озода ва саранжом-сариштa. Бу ерда малакали медицина ёрдами таъминланган, энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Наманган район Свердлов номли колхозидаги хўжаликлараро касалхона яхши ном чиқарган бўлиб, бу ерда реанимация хизмати билан бирга тўқизта ихтисослаштирилган бўлим бор, Янгийўлдаги болалар бирлашган касалхонаси, Чирчиқдаги туғуруқхона ҳам шуҳрат қозонган. Бироқ илғор коллективларнинг тажрибаси ҳозирча суст оммалаштирилмоқда.

ПРАВДА
Орган Центрального Комитета КПСС

Яқинда Советободда фавқулодда ҳодиса рўй берди. Марказий шаҳар касалхонасининг туғуруқхона бўлимида бир неча кун мобайнида саккиз чақалоқ токсико-септик касаллик чиққанлиги сабабли нобуд бўлди. Бу ерда энг оддий санитария нормаларига риоя этилмаган. Ҳатто чақалоқларга ичириладиган сутнинг тозалиги ҳам таъминланмаган. Биринчи бемор пайдо бўлганида навбатчи врач А. Нишонов инфекция тарқалишининг олдини олиш тўғрисида жон куйдирмади. Бошқа жиҳатлардан ҳам тартибқоидани бузиш ҳоллари очилди. Дард устига чипқон деганларидек, маъмурият ташвишли эпидемиология вазиятини ва ҳатто чақалоқларнинг нобуд бўлаётганини ҳам яширишга уринди.

Биринчи навбатда ишнинг ташкил этилиши учун жавобгар бўлган одамларга нисбатан даъволар қилинганлиги ҳаққонийдир. Область соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари О. Слободянюк, область санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи Р. Ўлмасова, область дорихоналар бошқармасининг бошлиғи Ш. Умаров, Советобод шаҳар марказий касалхонасининг бош врачи Э. Ҳасанов ва унинг ўринбосари А. Цой, туғуруқхона бўлимининг мудири М. Назарова, болалар бўлимининг мудири С. Ваҳобов ва бошқалар қаттиқ партиявий жазо олиб, лавозимларидан бўшатилдилар. Область партия комитети ва область ижроия комитетининг соғлиқни сақлаш ишларини назорат қилиб турувчи ходимларига партиявий жазолар эълон қилинди.

Советободдагина эмас, балки бутун Андижон областида аҳволни ўнглаб олиш лозим бўлади. Москва район партия комитети маҳаллий касалхоналарда болалар ўлимини яшириб фактларни очиб ташлади. Ҳисоботда тартиб ўрнатилди. Бунинг натижасида эса райондаги болалар ўлимига доир кўрсаткич бирданига тўрт баравар кўтарилди. Бу —ташвишли бўлса-да, лекин ҳаққоний рақамдир.

Республиканинг бошқа областларида ҳам бу кўрсаткич юқори. Сурхондарё областини олиб кўрайлик. Туғилаётган минг чақалоқдан 55 таси нобуд бўлмоқда. Сариосиё, Жарқўрғон, Шеробод ва Гагарин районларида эса аҳвол бундан ҳам баттар. Бунинг сабаблари ўша-ўша, яъни лоқайдлик, антисанитария, интизомнинг ниҳоятда бўшашиб кетганлигидадир.

Масалан, М. Ҳамидова хаста эмизикли гўдаги билан Термиз район марказий касалхонасининг болалар бўлимига келтирилди. Ўткир ичак касаллиги, деб диагноз қўйилди. Шундан кейин уларни... унутиб юборишди. Бутун беш кун мобайнида лаборатория текширишлари ўтказилмади. Биз Гагарин район марказий касалхонаси туғуруқхонасининг болалар бўлимида гўдак Х. Осмонқулованинг касаллик тарихи билан танишдик. Врачлар уч кун мобайнида чақалоққа яқин йўлашмади. Х. Мақсудованинг чақалоғи асфиксия ҳолатида туғилганди. Ленин йўли район марказий касалхонасининг врачлари гўдакни унинг умумий ҳолатига мувофиқ келмайдиган тарзда даволадилар, дорилар дозасини ошириб юбордилар. Мана шу бўлимда болалар ўлими юқори даражада эканлигига шундан кейин ажабланмай бўладими?

Сурхондарёда ҳомиладорларга ёрдам бериш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Д. Муратова анемиянинг оғир формаси билан ҳисобга олинган эди. Аммо бир неча ой мобайнида на врач, на доя унинг ҳолидан хабар олди. Гагарин ва Термиз районларида ҳам шундай фактларга дуч келдик. Ҳомиладорларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бир қанча муассасаларда санитария-гигиена режимига риоя этилмаётганлиги сабабли туғишдан кейин септик асоратлар кўпаймоқда. Ленин йўли район марказий касалхонасида бир қанча аёл сепсиздан нобуд бўлди. Туғуруқхоналарда жойларнинг етишмаслиги ишни жуда мушкуллаштирмоқда. «Сурхон» касалхонасида бир палатанинг ўзида кўзи ёриган аёллар билан гинекологик беморлар ётганини кўриб қайратда қолдик. Гагарин район марказий касалхонасининг туғуруқхона бўлимида ҳам аёллар сепсиси нобуд бўлди. Туғуруқхоналарда жойларнинг етишмаслиги ишни жуда мушкуллаштирмоқда. «Сурхон» касалхонасида бир палатанинг ўзида кўзи ёриган аёллар билан гинекологик беморлар ётганини кўриб қайратда қолдик. Гагарин район марказий касалхонасининг туғуруқхона бўлимида ҳам аёллар бор экан!

Кўпгина район марказий касалхоналарининг раҳбарлари бизга бўш кадрлар келади, деб ҳаққоний шикоят қилмоқдалар. Иш шунгача бориб етадики, баъзи ёш врачлар вена қон томирига укол қилиша олмайдилар, энг оддий даволаш масалаларини билмайдилар. Шундай экан, операция тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади! Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтида ўқиш вақтида ҳам зарур амалий кўникмалар ҳосил қилинмайди.

Республикада болалар овқати билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, Наманган областида махсус транспорт йўқ, ошхоналар қуввати кам. Шу сабабли гўдаклар учун йиллик планда кўзда тутилган сутнинг атиги бешдан бир қисми қайта ишланди. Қорақалпоғистонда ва Фарғона областида ҳам аҳвол шундай.

Халқ контролерлари Қўқондаги 8 Март номли туғуруқхонада беш ойнинг ўзидагина кўзи ёриган аёлларга 600 килограммдан кўпроқ гўшт, салкам 100 килограмм сарёғ, юзлаб килограмм қандшакар, ёрма ва бошқа маҳсулотлар кам берилганлигини аниқладилар. Собиқ бош врач М. Турдошева бир йил ичида бир ярим минг сўмдан кўпроқ маблағни қонунга хилоф равишда ўз чўнтагига урган.

Андижон областида 29 та туғуруқхонадан фақат тўрттаси типовой биноларга жойлашган. Кўпгина туғуруқхоналар лиқ тўлиб кетган. Тор, тиқилинч, ҳатто коридорларни ҳам эгаллашга тўғри келади. Қондалар талаб этганидек, туғуруқхонани ремонт ва дезинфекция қилиш учун ёпишга муваффақ бўлинмаслиги бундай оқибатларнинг биридир. Ахир резерв бинолар йўқ-да! Хўжаобод туғуруқхонаси шу сабабга кўра, саккиз йилдан буён ремонт қилингани йўқ.

Республикада болалар учун янги даволаш муассасалари секинлик билан барпо этилмоқда. Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликларидан тушадиган маблағлар айниқса ёмон ўзлаштирилмоқда. Ўрта Осиё ва Самарқанд медицина институтлари ҳузуридаги болалар клиник касалхоналари, Жиззахдаги болалар поликлиникаси, Олмалиқдаги болалар касалхонаси ва бошқа шифохоналар қурилиши чўзилиб кетди. Беш йиллик мобайнида планлаштирилган 34 та объектдан атиги иккитаси қурилди. Натижада республика болалар касалхоналарида 29 мингдан кўпроқ ўрин етишмаяпти.

Техника билан таъминлаш ҳам оқсамоқда. Нафас олиши ва наркоз аппаратлари, кювезлар кам. Ҳатто караватлар, грелкалар, болалар тарозилари, бўй ўлчагичлар ҳам тақчил бўлиб қолди. Стационарларда ич кийим саккиз марта алмаштирилиши ўрнига уч-тўрт марта алмаштирилаётганига тоқат қилиш мумкинми? Дориларнинг кўпинча узилиш бўлиб туради.

Олимларга зўр умид боғланмоқда. Улар ҳозирдаёқ баъзи ишларни қилмоқдалар. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги акушерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти негизида медицина-генетика консультацияси республика маркази яқинда ишлай бошлади. Тошкент, Самарқанддаги базавий поликлиникаларда медицина олий ўқув юртлари ва педиатрия илмий-тадқиқот институтининг консультантлари беморларни қабул қилмоқдалар. Бироқ амалиётчилар ҳали ҳам қаноат ҳосил қилишгани йўқ ва улар ҳақдирлар.

Андижон медицина институтини олиб кўрайлик. Бу ерда учта акушерлик ва гинекология кафедраси, бешта педиатрия кафедраси бор. Бу — катта куч! Аммо бу куч ҳозирча областда соғлиқни сақлашга сезиларли таъсир ўтказаётгани йўқ. Институт раҳбарлари бефарқ кузатувчилар позициясида туришибди. Масалан, болалар ўлими ўсганлиги ва ўткир ичак инфекцияси касаллиги юқори даражада эканлиги муносабати билан область соғлиқни сақлаш бўлими ўтган йил ёздаёқ ректор, профессор Р. Нурмуҳамедовдан тегишли кафедраларнинг ассистентлари районларга амалий ёрдам берсинлар, деб илтимос қилган эди. Бунга рад жавобини олди. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳам ўжар ректорга таъсир ўтказаслмади.

Шуни қайд этиб ўтмоқчимизки, қоғозларга қараганда, республикада она ва бола соғлиғига доимий эътибор берилмоқда. Ҳақиқатан ҳам яхши қарорлар қабул қилинмоқда. Фақат натижадан дарак йўқ. Чунки бу қарорлар қандай ижро этилаётганлиги контрол қилинмаяпти. Масалан, Қашқадарё областидаги мактабгача тарбия муассасаларида болалар соғлиғини сақлаш ва улар касалланишини камайтириш тўғрисидаги масала медицина ходимлари ҳамда маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзлари республика комитетлари президиумларининг қўшма мажлисида кўриб чиқилди. Қўшма қарор қабул қилиб, тадбирлар планини ишлаб чиқишди. Ишни яхшилашга эса барибир эришилмади.

Ўн иккинчи беш йиллик бурилиш беш йиллиги бўлиб қолиши керак: республикада соғлиқни сақлашга ажратилган барча маблағларнинг 59 проценти ҳомиладорларга ёрдам кўрсатувчи муассасалар ва педиатрия муассасаларини ривожлантиришга сарфланади. Шу маблағларни моҳирлик билан тасарруф этиш лозим.

А. КОСТИКОВА — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети бўлими мудирининг ўринбосари;

П. ВОЛКОВ — «Андижанская правда» газетаси редактори;

В. АРТЕМЕНКО — «Правда» газетаси мухбири.

(«Правда»нинг 7 февраль сонидан).

• *Кенг истеъмол моллари—халққа!*

«ҒУНЧА»НИНГ ХАРИДОРЛАРИ

Бундан бир неча йил илгари Чирчиқдаги «Ғунча» тикувчилик фабрикасида ишлаб чиқариш планларини бажаришда узилишлар бўлиб турарди. Қолаверса маҳсулот сифати ҳам талаблар даражасида эмасди. Шу боисдан жойлардан тез-тез эътирознома келиб туриши ҳеч кимни таажжубга солмай қўйганди.

Кейинги пайтда корхона фаолиятида кескин бурилиш юз берди. Яқинда Тошкенддаги «Болалар дунёси» магазинида шундай суҳбатнинг гувоҳи бўлдик.

— Менга ўн яшар қизча учун пальто топиб берсангиз, — деди ўрта яшар аёл сотувчига мурожаат қилиб. — Иложи бўлса «Ғунча» фабрикасининг маҳсулоти бўлсин.

— Кечирасиз, — деди сотувчи жилмайиб. — «Ғунча»нинг маҳсулоти ҳозир харидорбоп бўлиб қолган. Шу сабаб ушбу корхона маҳсулоти бизда тезда сотиб юборилади. Хабар олиб туринг.

Ана шу воқеани фабрика бош инженери Татьяна Люкшина ва партбюро секретарининг ўринбосари Ольга Печуриналарга айтиб бердик. Хурсанд бўлишди.

— Харидорлардан шикоят келмаётганига анча бўлди, — дейди Татьяна Николаевна. — Ҳозир планларимиз ҳам мунтазам бажарилаётир. Кувончлиси, маҳсулотларнинг 95 проценти юқори сифат билан баҳоланаётганидир. Эндиликда чеварларимиз тиккан кийим-кечаклар чет элникидан қолишмайди.

Бош инженер муболаға қилмади. Ифтихор билан айтди бу сўзларни. Дарҳақиқат фабрикада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида муайян ишлар қилинди. Аввало меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилди. Ҳозир кенг ва ёруғ, гуллар билан безатилган озода цехларга кирсангиз ҳавас қиласиз. Бу ерда ишлашнинг ўзи роҳат.

Фабрикада ҳозир шундай бир иқтисодий эксперимент ўтказилмоқда. Илгари корхонанинг сифатсиз маҳсулоти савдо базаларидан қайтариб юборилаверарди. Эндиликда фабрика бевосита харидор билан муомала қилаётир. Яъни ҳар бир маҳсулотга «нуқсони бўлса корхонага қайтариб юборинг» деган эслатма қоғоз ёпиштирилган. Кўринишдан бу тадбир арзимагандек туюлади. Лекин сифатни яхшилашда унинг катта нафи тегаётир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот учун коллективнинг, ҳар бир тикувчининг масъулияти ортмоқда. Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш учун корхона вакиллари «Болалар дунёси» магазинида тез-тез бўлиб туришади. Аҳолининг талаби асосида кийим-кечакларнинг янги-янги хиллари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада ҳар душанба — «Сифат куни» деб эълон қилинган. Шу куни комиссия аъзолари поток линияларидаги барча маҳсулотларнинг сифатини диққат билан кўздан кечиришади. Брак маҳсулот ишлаганларга таъсир ўтказишнинг турли формаларидан фойдаланилмоқда. Улардан бири «Брак маҳсулот учун» деган дипломнинг жорий этилганлигидир. Қолаверса иш ҳақи ва мукофот фондларини сарфлашга ҳам янгича ёндашилмоқда. Жумладан, илгари мукофот фондининг 50 проценти план ошириб бажарилганлиги учун, қолган ярми сифатли маҳсулот учун тўланган бўлса, эндиликда сифатли маҳсулот учун мукофот фондининг 70 проценти, план ошириб бажарилганлиги учун эса ўша маблағнинг 30 проценти берилаётир. Ишлаб чиқаришни шу тариқа қайта қуриш яхши самаралар бермоқда. Лекин, бу — фабрикада ҳамма ишлар жойида, деган гап эмас. Коллективда сифат учун кураш бир дақиқа бўлсада сусаймаяпти.

Фабрика халқ контроли группаси ва «Комсомол прожектори»нинг ўтган ойлардан биридаги қўшма рейдида болалар шими тикаётган А. Турсунова бошлиқ бригада брак маҳсулот чиқараётганлиги аниқланди. Коллективга «қора» диплом топширилди. Бунинг таъсири кучли бўларкан. Чунки бир одамнинг айби учун бутун коллектив ер чизиб қоляпти-да. Шу боисдан бўлса керак, бригада аъзолари ўзларининг масъулиятсиз шерикларини дарров йўлга солиб олишди. Тез орада А. Турсунова бошлиқ тикувчилар маҳсулот сифатини яхшилашди. Коллектив номи социалистик мусобақа пешқадамлари қаторида тилга олинадиган бўлди.

— Корхонамизда асосан ёшлар ишлашади, — дейди партбюро секретарининг ўринбосари Ольга Печурина, — Шу боисдан бугунги муваффақиятларимизда фабрика комсомол-ёшларининг муносиб ҳиссаси бор. Комсомол ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Комсомоллар ташаббускор ёш коммунист Дилфуза Нурмаювани яна ўзларига етакчи қилиб сайлашди. Умуман комсомолда ишлаш учун 13 коммунистни сафарбар этганмиз. 165 нафар мураббий ишчи ёшларга касб сирларини ўргатаётир.

Ана шу даъваткорлик ва сафарбарлик бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатяпти. Ҳозир М. Беркинова, З. Ситамқулова, Р. Бойботировалар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари 1987 йилнинг январь-июль ойлари ҳисобига ишлашяпти. 87 тикувчи Улуғ Октябрнинг шонли 70 йиллиги ишонланадиган кунгача беш йилликнинг уч йили план-топшириқларини бажариш ташаббусига қўшилган. Фабрикада айниқса «Болалар кийимларига — комсомол кафолоти» шнори остидаги социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган.

— Мусобақани ташкил этишнинг турли формаларидан фойдаланяпмиз, — дейди суҳбатга қўшилган Д. Нурматова. — Яқинда «Қўли гул тикувчи» номи учун конкурс ўтказдик. Унда ёш тикувчилар ўз устозлари билан беллашдилар. Конкурс ниҳоятда қизиқарли ўтди. Унда тажрибали тикувчи Любовь Ивлиева голиб чиқди. Унинг шогирдлари Елена Шейхалиева, Ольга Кузнецовалар ҳам бўш келишмади. Ёш тикувчилар конкурснинг барча шартларини тез ва соз бажаришиб, иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашга муваффақ бўлишди. Устозлар билан мусобақалашиш ёшларимизга катта наф беряпти. Комсомол комитети ушбу тадбирга оталиғимиздаги болалар боғчасида тарбияланувчиларни таклиф этганди. Бу конкурс кичкинтойларда яхши таассурот қолдирди. Уларнинг кўпчилиги бийрон тиллари билан катта бўлгач, тикувчи бўлажакларини айтишди. Жажжи ўғил-қизларимизга меҳнатга, касбга муҳаббат руҳини ҳозирданоқ сингдириб боришимиз керак. Шундай эмасми?

— Мен корхонада ёшларни шундай кутиб олинишини тасаввур қила олмасдим. Коллективнинг аҳиллиги, меҳрибон мураббийларнинг саминий муомаласи бизни ниҳоятда руҳлантириб юборди. Шундай иноқ оила аъзоси бўлиш, қандай яхши, — деди ҳаяжон билан Эльмира Аҳмаджонова ёшларни ишчилар синфига қабул қилишга бағишланган тантанада. У шу йил ҳунар-техника билим юртини битириб, фабрикага ишга келган бир группа қизларнинг дилидаги гапларни айтган эди.

Корхона комсомол ташкилоти ёшларни меҳнатга сафарбар этувчи бундай тадбирларни кўплаб амалга оширмоқда. Шунингдек, ишчиларнинг кўнгилли дам олишларини уюштириш, оталиқдаги миқрорайонда оммавий-спесий ва тарбиявий ишлар олиб бориш ҳам комсомол комитети фаолиятининг асосини ташкил этади.

Энг муҳими, комсомол ташкилоти ўз фаолиятини қайта қуришни қоғозда эмас, амалда бажараётганлигидир. Буни корхонанинг 650 дан зиёд комсомоли меҳнатда, ижтимоий ҳаётда актив иштирок этаётганлигидан ҳам кўрса бўлади. Улар маҳсулот сифати учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишган. «Ғунча» фабрикаси ишлаб чиқараётган болалар кийим-кечаклари савдо дўконларида туриб қолмай, харидорлар томонидан мамнуният билан харид қилинаётганлиги қўли гул чеварларнинг меҳнатига берилаётган муносиб баҳо бўлса ажаб эмас.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Суратларда: 1. Н. Сибирякова фабриканинг моҳир мураббийларидан бири. У ўнлаб ёшларнинг касб маҳоратини оширишда устозлик қилаётир. Мастер Сибирякова тикувчи-мотористка, ВЛКСМ аъзоси Дариҳа Серикбоевага йўл-йўриқ бермоқда. 2. Фабрика ётоқхонасидаги кутубхона ҳам ҳамма вақт ёшлар билан гавжум бўлади. Мастерлар Анор Турсунова (чапда) ва Татьяна Юсова қизиқарли китоб танламоқдалар.

С. ИРСАЕВ фотолари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

РЕЖАЛАР ТУЗИЛДИ

Газетанинг 1986 йил 24 ноябрь сонида босилган «Назорат кучайгач» сарлавҳали мақолада «Каршистройиндустрия» бирлашмаси 2-темирбетон буюмлар заводи фаолиятидаги баъзи камчиликлар кўрсатиб ўтилган эди.

— Мақолада келтирилган фактлар тўғри, — дейилади «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»дан олинган жавобда. Технологик жараёнларни такомиллаштириш мақсадида заводга янги жиҳозлар, асбоб-ускуналар ўрнатиш лойиҳаси «Средазгипроцелинстрой» институти томонидан ишлаб чиқилган эди. Арматура цехи реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш биносидан бутунлай ажратилади. Бўшаган майдонларда технологик жиҳозлар ва металл қолипларни созлайдиган ремонт цехи қуриш планлаштирилди.

Бирлашмада эса электр двигателларини ремонт қилиш участкаси барпо этилади. Шунингдек, заводда иситиш-совутиш вентиляция системаси қуриш ҳам лойиҳалаштирилди.

Корхонанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишни мунтазам назорат қилиб боришни «Главсредазирсовхозстрой» ўз зиммасига олди.

* * *

Бундан ташқари редакция Тошкент шаҳар Октябрь райони партия комитети билан «Главташкентстрой»га қарашли «ОРГТЕХСТРОЙ» ТРЕСТИдан «Расмиятчиликнинг чеки борми!» (1986 йилнинг 229-сони), ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИдан «Шаронт бир хилгу...» (1986 йилнинг 244-сони), НАМАНГАН ОБЛАСТЬ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИдан «Сийловдан талтайиш» (1986 йил 230-сони) танқидий мақолаларига ҳам расмий жавоблар олди. Уларда камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тадбирлар кўрилаётгани хабар қилинади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ЛИМА

Европа иқтисодий ҳамжамиятлари комиссиясининг аъзоси Клод Шейсон Марказий Америкадаги кризисли аҳволни тинч йўл билан бартараф этиш масалалари билан шуғулланувчи Контадора группасининг куч-ғайратларини қўллаб-қувватлади. Регион проблемаларини зўравонлик йўли билан эмас, балки сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этиш зарур, деди у. Шейсон Контадора группаси ва мадад группасининг регионда кескинликни юмшатишга қаратилган тавсиялари муҳим эканини таъкидлади.

◆ НЬЮ-ЙОРК

Американинг таниқли сиёсат арбоби, АҚШнинг собиқ давлат секретари Сайрус Вэнс Рейган маъмурияти тиқиштираётган космик фазони ҳарбийлаштириш режаларини қатъиян қўллаб-қувватламади. У Вашингтон расмий доираларининг космоса «Самовий урушлар» системасининг «биринчи босқичи»ни жойлаштириш муддаоси тўғрисидаги саволга Эн-Би-Си телекомпанияси программасида жавоб қайтариб, шундай деди: «Биз умуман шундай системани жойлаштиришимиз зарур, деб билмайман. Ҳар қалай ҳозирги босқичда бу жиддий хато бўлур эди».

◆ ГАВАНА

Гватемала Миллий революцион бирлик ташкилоти баёнот эълон қилди. Баёнотда Гватемала ҳукумати билан сиёсий мулоқот бошлашга ташкилотнинг тайёр эканлиги тасдиқланади. Ҳужжатда мазкур революцион—ватанпарварлик бирлашмаси раҳбарлари мамлакатда демократия қарор топишига, шунингдек Гватемаланинг ташқи сиёсатда чинакам бетарафлик ва қўшилмаслик йўлини ўтказишга имкон берадиган бир қанча шошилинч проблемаларни ҳал этиш мақсадида музокаралар столига ўтиришга тайёр эканлиги уқтириб ўтилади. Шу билан бирга баёнотда Гватемалада ватанпарварларни ўз вақтида қўлга қурол олишга мажбур этган сабаблар тугатилмас экан, улар халқ манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида революцион қуролли курашни тўхтатмасликлари таъкидланади.

◆ ЛИДС

Бу ерда, қадимий Лидс университетининг биноларидан бирида бугун Буюк Британиядаги урушга қарши энг оммавий ташкилот-ядровий қуролсизланиш учун кураш ҳаракати ёшлар секциясининг йиллик конференцияси ўз ишини тамомлади. Ёшлар анжуманининг делегатлари шанба ва якшанба кунлари ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларини муҳокама қилдилар. Улар Ғарбдаги бир қанча мамлакатлар энг аввало АҚШ ва Буюк Британиянинг айби билан жаҳонда ядровий қуролланиш пойгаси давом этаётганлигини уқтириб ўтдилар. Рейган маъмуриятининг космик фазони радиоактив моддалар ёрдамида ҳарбийлаштиришга оид режалари тинчлик учун алоҳида хавф туғдиради.

◆ ЛОНДОН

Букингем (Букингемшир) шаҳри районидаги автомобиль магистралларидан бирида кеча контейнерларига радиоактив модда ортилган юк автомобили ағдарилиб кетди. Пресс Ассошиэйшн агентлигининг хабар беришича, воқеа содир бўлган жойга шошилинч етиб келган экспертлар ва маъмурлар дарҳол катта районни қуршаб олдилар ва тўрт соат давомида қатновни тўхтатиб қўйдилар. Маъмурларнинг айтишича, контейнердан радиация чиқмаган, шикастланган ҳайдовчи госпиталга олиб кетилган.

(ТАСС).

• *Тингланг, томоша қилинг*

10 февраль, сешанба

Телевидение

МТ-I. 8.00— Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 — Время. 9.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 10.15 — «Уч карта». Фильм-балет. 11.30 — Москва бўйлаб саёҳат. 11.50 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — Мультфильм. 17.20 — Горичлар, қаердасиз! 17.50 — Концерт. 18.35 — Мультфильм. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.20 — «Серенада квинтети ижро этади». 19.50 — Мультфильм. 20.30 — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Э. Москвитин ижро этади. 20.55 —ССР Иттифоқи Большой театрида А. С. Пушкин хотирасига бағишланган кеча. Танаффусда—Время.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 Тарих. 10.05 — Француз тили. 11.05 — Илмий оммабоп фильм. 11.35 — Ботаника. 11.55 — Илмий оммабоп фильм. 12.05 — Рус тили. 13.00 — Ўқитувчи экрани. 13.30 — Физика. 15.00 — Янгиликлар. 15.05 — Янгиликлар фильм. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳамдўстлик. 19.15 — Сиз бунга қодирсиз. 20.00 — Ритмик гимнастика. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 21.30 — Концерт. 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.15 — Время. 22.50— Бадиий фильм. 00.15 — Янгиликлар.

УзТВ-I. Ритмик гимнастика. 7.30 — Ахборот. 7.50 — Салом, кичкинтойлар! 16.35 — Ўзбек мактаблари учун рус адабиёти. 17.10 — РАПО: тикланиш муаммолари. 17.20— Пионер телетайпи. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 18.15 — Болалар учун фильм. 19.00 — Диёрим Ўзбекистон. 19.30 — Ахборот. 19.45 — ЎзССР давлат телерадиоси хизмат кўрсатган хорининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.55—А. С. Пушкин хотирасига бағишланган кеча. Танаффусда — Время. 22.50 —«Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.30 — «Қизил олма». Бадиий фильм. 20.50 — Беш йиллик: ишлар ва одамлар. 21.30 — «Совет Ўзбекистони». Кинопрограмма. 22.15 — Время.

Радио

ВИРИНЧИ ПРОГРАММА: 8.30 — Қўшиғимиз сизга армуғон. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 12.10 — Ишчиюма. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — «Самоцветы» ансамбли иштирокида концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.40 — «Гулдаста». 18.15 — Иқтисодий билимлар радиоуниверситети. 18.30 — Чолғу куйлари. 19.20— Ёшлик. 21.00 — А. С. Пушкин хотирасининг 150 йиллигига. 21.20 — Қишлоқ оқшомлари. 22.30 — Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 23.35 — Дам олиш концерти.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.